

БАНАХБОРОННОМАНИ

Банк ходимлари ва тadbиркорларнинг ҳафталик газетаси

ISSN 2010-6602

Сайтимида утиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



1995 йил январдан бошлаб нашр этилмоқда

№ 16 (1091), 2017 йил 20 апрель



БАНК ХИЗМАТЛАРИ, УСКУНАЛАРИ ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ НАМОЙИШИ

Пойтахтимизда «BankExpo – 2017» X миллий кўргазмаси бўлиб ўтди.



Кейинги йилларда бизнес муҳитидаги жараён – рақамли технологияларнинг шиддатли ривожланиши барча соҳалар қатори банк-молия тизимида ҳам ностандарт ечимлар, янги гоёлар, ташаббуслар ва ўзгаришларни юзага келтиришни тақозо этмоқда. Шу боис кредит ташкилотлари ўз бизнесларига ёндашувни ўзгартириб, нафақат йил ёки ойда, балки кун сайин миқдорлари учун янгиликлар ҳозирлаш чорасини кўрмоқда.

Анъанавий равишда ўтказиб келинаётган «BankExpo» кўргазмасида эса, молия бозори иштирокчиларининг мана шундай саяхатлари натижаси сарҳисоб қилинадиган, ютуқлари намойиш этиладиган, ўзаро ахборот алмашиб, таъриба орттирадиган,

қолаверса, улар мавқеини сақлашга ўз ҳиссаларини қўшиб келётган содиқ ва намунали миқдорларини рағбатлантиришга шароит яратадиган муҳим тadbирга айланди.

Кўргазманинг очилишида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раисининг ўринбосари Ш.Шоаҳмедов, Ўзбекистон банклари Ассоциацияси раиси С.Абдуллаев ва бошқалар иқтисодий тизимни барқарор ривожлантиришга хизмат қилаётган банк тизими Президентимизнинг 2017 йил 7 февралдаги фармони билан тасдиқланган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ, бундан кейин ҳам

илғор халқаро таърибалар асосида янада такомиллаштирилиши, соҳага доир муносабатлар тартибга солиниб, унда замонавий бозор механизмлари жорий этилишини таъкидладилар.

Айтиш жоиз, мамлакатимиз банкларининг асосий кўрсаткичларидаги ўсиш суръати йилдан-йилга юқорилаб бормоқда. Хусусан, 2016 йил якунларига кўра, тижорат банкларининг умумий капитали ўтган даврга нисбатан 1,2 баробарга ошди. Бу ҳолат дунёнинг етакчи рейтинг агентликлари, жумладан, «Moody's», «Standard & Poor's» ва «Fitch Ratings» кабиларнинг диққатини тортди, уларнинг «барқарор» рейтинг баҳоларини олишига омиб бўлди.

(Давоми 6-бетда).



НАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИ
2017-2021

Ҳаракатлар стратегияси мамлакатимиз тараққиётида янги босқични бошлаб берди

«Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш марказининг навбатдаги сўровномаси Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси мазмун-моҳиятидан фуқароларнинг хабардорлик даражасига бағишланди.

Сўровномада иштирок этган аксарият фуқаролар Ҳаракатлар стратегияси халқимизнинг турмуш фаровонлигини янада яхшилаш ва мамлакатимиз тараққиётини янги босқичга кўтаришда муҳим ҳужжат, деб ҳисоблайди.

Ижтимоий тadbқиқот жамият ҳаётининг барча соҳаларида юз бераётган туб ўзгаришлар аҳоли манфаатларига жавоб бераётганини, ислохотлар одамларнинг ҳаёт даражаси ва сифатини ошириш билан бирга, тафаккурини ҳам ўзгартираётганини кўрсатган.

79,9 фоиз респондентлар Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони мазмун-моҳиятини яхши билишини таъкидлаган.

«Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини ўз вақтида қабул қилинган ҳужжат, деб ҳисоблайсизми?» деган саволга иштирокчиларнинг аксарияти (83,5 фоиз) ижобий жавоб берган.

(Давоми 2-бетда).

«Ипотека-банк»: аҳолини тadbиркорликка жалб қилиш йўлида

Миллий матбуот марказида «Ипотека-банк» акциядорлик-тижорат ипотека банки томонидан аҳолини тadbиркорликка жалб қилиш борасида амалга оширилаётган чора-тadbирларга бағишланган анжуман бўлиб ўтди.

Маълумки, «Ипотека-банк» ижтимоий масала – мамлакатимизда уй-жой қурилиши ва уй-жой бозорини ривожлантириш мақсадида ташкил этилган бўлиб, универсал молия муассасаси сифатида ҳам банк тизимининг бошқа йўналишлари, жумладан, иқтисодий тармоқлари, кичик бизнес ва хусусий тadbиркорликка доир лойиҳаларни молиявий қўллаб-қувватлаб келмоқда.

Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йилида тижорат банклари томонидан «Аҳолини

тadbиркорликка жалб қилиш» дастури ижросида ҳам мазкур муассаса фаолияти алоҳида кўзга ташланмоқда. Чунончи, банк филиалларининг масъул ходимлари ўзларига бириктирилган маҳалла ва овулларда семинар ҳамда учрашувлар ўтказган ҳолда, аҳолига кредит хизматлари, уларни расмийлаштириш шартлари тўғрисида маълумот бериб, тadbиркорлик фаолиятини ташкил этиш учун намунавий бизнес лойиҳаларни тақдим этмоқда.

(Давоми 2-бетда).

ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРНИНГ СЎМГА НИСБАТАН КУРСИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2017 йил 18 апрелдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, боғжона ва бошқа мажбурий тўловлар учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*)

| | | | | | | | |
|-------------------------|---------|--------------------|----------|--------------------|---------|--|---------|
| 1 Австралия доллари | 2791,91 | 1 Канада доллари | 2766,09 | 1 Норвегия кронаси | 428,82 | 1 евро | 3901,63 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 4612,23 | 1 Хитой юани | 534,14 | 1 Польша злотийси | 921,47 | 10 Жанубий Корея вони | 32,38 |
| 1 Дания кронаси | 525,21 | 1 Кувайт динари | 12079,77 | 1 Сингапур доллари | 2637,77 | 10 Япония иенаси | 339,66 |
| 1 БАА дирҳами | 1001,71 | 1 Россия рубли | 65,35 | 1 СДР | 4997,37 | *) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган. | |
| 1 АҚШ доллари | 3678,89 | 1 Украина гривнаси | 137,21 | 1 Туркия лираси | 1011,66 | | |
| 1 Миср фунти | 202,81 | 100 Ливан фунти | 244,17 | 1 Швеция кронаси | 407,30 | | |
| 1 Исландия кронаси | 33,08 | 1 Малайзия рингити | 835,54 | 1 Швейцария франки | 3661,68 | | |

Айрим хорижий валюталарнинг ўтган ҳафтага солиштирма кўрсаткичи:

1 USD ▲ 3678,89 – (3650,74) | 1 EUR ▲ 3901,63 – (3894,88) | 1 GBP ▲ 4612,23 – (4520,72) | 10 JPY ▲ 339,66 – (327,71)

Ҳаракатлар стратегияси мамлакатимиз таракқиётида янги босқични бошлаб берди

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

«Сизни ўйлантираётган муаммолар Ҳаракатлар стратегиясининг қайси устувор йўналишларида ўз аксини топган?» деган саволга респондентларнинг кўпчилиги Стратегиядаги барча йўналишлар давлат ва жамият ҳаётида янги ривожланиш босқичини бошлаб беради, ўзларини қийнаётган муаммоларни самарали ҳал этишда муҳим аҳамият касб этади, деб ҳисоблайди.

Давлат бошқаруви ва маҳаллий ҳокимият органлари фаолиятининг самарадорлиги ва ошқоралиги бўйича респондентларнинг фикри ўрганилди.

Давлатимиз раҳбари томонидан 2017 йилнинг Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили, деб эълон қилиниши мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, ҳаётимизда халқ билан мулоқот қилиш, адолат ва ҳақиқат тамойилларини қарор топтиришда янги босқични бошлаб берди. Президентимизнинг «Инсонларнинг дарду ташвишларини ўйлаб яшаш – одамийликнинг энг олий мезонидир», деган ҳаётбахш сўзлари бугун Халқ қабулхоналарига кираверишда катта ҳарфлар билан ёзиб қўйилган. Фуқаролар фикрича, давлатимиз раҳбарининг ушбу сўзлари ҳар бир юртдошимиз учун энг муҳим вазифа бўлиши керак.

Фуқаролар ҳокимиятнинг ижроия органлари фаолиятдан турли даражада қониқиши сўронома натижаларида акс этган. Ҳар иккинчи респондент ҳокимият ижроия органлари ишидан мамнун,

ҳар учинчиси – қисман рози, 12,1 фоизи – рози эмас.

Иштирокчилар ҳокимият ижроия органлари раҳбарлари фаолиятининг фуқароларга очиқлигини ҳам турлича баҳолаган. 40,7 фоиз респондентга кўра, барча маълумотлар очиқ ва етарли. Қатнашчиларнинг 33,9 фоизи ҳамма фуқаролар учун ҳам маълумотлар ошқора эмас, деб ҳисоблайди.

Сўровномада иштирок этганлар яхши маошли иш топиш, ойлик маошни вақтида олиш, тадбиркорлик фаолияти билан шугулланишда қатор қулайликлар яратилганини, пенсионерлар, ногиронлар, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини ижтимоий ҳимоя қилиш, аҳолини электр энергияси ва табиий газ билан таъминлаш хизматлари юқори даражага кўтарилганини маълум қилган.

Фуқаролар 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ва у асосида қабул қилинаётган давлат дастурлари олиб борилаётган барча ислоҳотлар сифатини янада оширишда, давлат ва жамиятимиз ҳаётининг барча жабҳаларини модернизация қилиш ва либераллаштиришда, аҳоли турмуш фаровонлигини янада юксалтиришда асосий дастуриламал бўлишига, инсон манфаатларига хизмат қилишига ва уларни қийнаб келаётган муаммоларни бартараф этишда катта ёрдам беришига ишонмоқда.

«Ижтимоий фикр» маркази материаллари асосида ЎзА мухбири Ж.ЖОНИБЕКОВ тайёрлади.

2017 ЙИЛ – ХАЛҚ БИЛАН МУЛОҚОТ ВА ИНСОН МАНФААТЛАРИ ЙИЛИ



«Ипотека-банк»: аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш йўлида

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Ўтган даврда банк ходимларининг 341 мингдан зиёд хонадонда олиб борган тарғибот ишлари натижасида 33 мингдан ортиқ юртдошимиз тадбиркорлик билан шугулланиш истагини билдирди. Ушбу талабгорлардан қарийб 22 мингтасига банк ўтган биринчи чорак давомида 127,1 млрд. сўм миқдориди имтиёзли кредит маблағларини ажратди.

– «Аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш» дастурига кўра, банкимиз томонидан кам таъминланган оилаларга алоҳида эътибор қаратилмоқда, – дейди **«Ипотека-банк» АТИБнинг Тошкент вилояти филиали бошқарувчиси ўринбосари Шухрат Қўрғонов.** – Бугунги кунгача филиалимизга бириктирилган 88 656 та хонадоннинг 75 мингдан ортиғи билан мулоқот ўрнатилиб, улар орасида тадбиркор бўлиш истагини билдирган 4 600 дан зиёд фуқарога жами 28,9 млрд. сўмлик кредит маблағлари ажратилди.

Айтиш жоиз, «Ипотека-банк» томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига кўрсатилаётган молиявий хизматлар кўлами

тобора ошиб бормоқда. Бугунги кунда муассаса 85 мингдан зиёд ана шундай корхоналарни илғор технологиялар асосида модернизация қилиш, зарур жомашё билан тўлдириш ва ички бозорни импорт ўрини босувчи истеъмол маҳсулотлари

78 млрд. сўми хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасига, 40,1 млрд. сўми аёллар тадбиркорлигига, 8,5 млрд. сўми эса, касб-хунар коллежлари битирувчиларининг тадбиркорликка доир лойиҳаларига йўналтирилди.



билан таъминлаш йўлидаги лойиҳаларини кенг қўллаб-қувватлаб келмоқда.

2016 йилда банк ушбу соҳага 1039,8 млрд. сўм миқдориди маблағ йўналтирилган бўлса, жорий йилнинг ўтган биринчи чорағида кичик бизнес субъектларининг 314 млрд. сўмлик бизнес-режаларини молиялаштирди. Натижада 5 700 га яқин янги иш ўрни ташкил этилди. Жумладан, 135 млрд. сўмлик маблағ озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат саноатини ривожлантиришга,

Анжуманда «Ипотека-банк» АТИБ бошқаруви раиси виртуал қабулхонасига келиб тушаётган аризалар хусусида сўз бориб, фуқаролар кўпроқ ипотека кредитлари юзасидан муурожаат этаётгани маълум қилинди. Жорий йилнинг 1 апрель ҳолатига кўра, келиб тушган аризаларнинг деярли барчасига белгиланган муддатдан (3 кун ичида) кечиктирмаган ҳолда жавоб берилгани қайд этилди.

Наргиз АҲМЕДОВА.

Халқ банки: тадбиркор аёллар сафини кенгайтириб



Мамлакатимиз хотин-қизларининг иқтисодий, ижтимоий имкониятларини ошириш, ишбилармон аёллар сафини янада кенгайтириш мақсадида 2016 йилнинг ноябрь ойидан бошлаб, юртимизнинг барча вилоятларида «Тадбиркор аёл» Ўзбекистон ишбилармон аёллар уюшмаси ва Ўзбекистон Республикаси акциядорлик тижорат Халқ банки ҳамкорлигида «Тадбиркор аёл: фаровон ҳаёт – қўлимизда» лойиҳаси доирасида ўқув-семинарлари ўтказилди.

Унга кўра, 170 нафар хотин-қизларга сертификатлар тақдим этилди, 40 нафардан зиёд тадбиркор аёллар ва касб-хунар коллежларининг битирувчи қизлари имтиёзли кредитларга эга бўлишди.

Ўқув-семинарлари давомида иштирокчилар бизнес-режа тузиш, маркетинг, менежмент, солиқ ҳисоботини юритиш, маҳсулотни сифатли ва харидорғир қилиб ишлаб чиқариш қонун-қоидаларини ўрганиш, банклар фаолияти ҳақида сабоқ олиб, билим ва кўникмаларини оширдилар.

Яқинда лойиҳа доирасидаги яқунловчи республика семинари ўтказилди. Унда барча вилоятлардан тадбиркор аёллар, «Тадбиркор аёл» уюшмаси аъзолари, АТ Халқ банки мутасаддилари ва кенг жамоатчилик вакиллари қатнашди. Шунингдек, тадбир доирасида «Тадбиркор аёл» журнали томонидан уюштирилган «Энг латофатли ва ишбилармон аёл» танлови ғолибларини эълон қилиш ва тақдирлаш маросими ўтказилди. Ушбу танловда иштирокчи хотин-қизларнинг нафақат ташқи гўзаллиги, балки тадбиркорлик маҳорати, юрт иқтисодиётига қўшаётган ҳиссаси ҳам инобатга олинди.

(Давоми 5-бетда).

АУДИТ НАТИЖАЛАРИ

3



«UTBANK»

акциядорлик жамияти

Рўйхатга олиш рақами: ЎзР МБНинг 2015 йил 18 апрелдаги 1-сонли лицензияси.
Юридик манзили: 100043, Тошкент ш., Чилонзор тумани, Бунёдкор шоҳкўчаси, 15/АБВ.

МОЛИЯВИЙ ҲОЛАТИ ТЎҒРИСИДАГИ ЙИЛЛИК ҲИСОБОТ (минг сўмда)

| | 2016 йил 31 декабрь | 2015 йил 31 декабрь |
|---|------------------------|------------------------|
| Активлар | | |
| Пул маблағлари ва уларнинг эквивалентлари | 72 012 305 | 75 445 097 |
| Кредит муассасаларидаги маблағлар | 27 096 150 | 52 397 599 |
| Ўзбекистон Республикаси Марказий банкидаги мажбурий захиралар | 18 139 401 | 14 054 627 |
| Мижозларга кредитлар | 115 560 144 | 91 410 901 |
| Тобе хўжалик жамиятларига инвестициялар | 40 000 | 40 000 |
| Асосий воситалар ва номоддий активлар | 2 275 366 | 2 277 496 |
| Кечиктирилган солиқ активи | 588 472 | 515 554 |
| Бошқа активлар | 1 408 042 | 2 032 817 |
| Жами активлар | 237 119 880 | 238 174 091 |
| Мажбуриятлар | | |
| Кредит муассасаларининг маблағлари | 28 381 333 | 67 853 026 |
| Мижозлар маблағлари | 116 011 374 | 89 965 046 |
| Бошқа мажбуриятлар | 1 281 433 | 12 538 141 |
| Жами мажбуриятлар | 145 674 140 | 170 356 213 |
| Капитал | | |
| Устав капитали | 47 876 400 | 36 146 682 |
| Тақсимланмаган фойда | 43 569 340 | 31 671 196 |
| Жами капитал | 91 445 740 | 67 817 878 |
| Жами мажбуриятлар ва капитал | 237 119 880 | 238 174 091 |

УМУМИЙ ДАРОМАД ТЎҒРИСИДАГИ ҲИСОБОТ (минг сўмда)

| | 31 декабрда яқунланган 2016 йил учун | 31 декабрда яқунланган 2015 йил учун |
|---|--|--|
| Фоишли даромадлар | | |
| - Кредит муассасаларидаги маблағлар | 4 484 205 | 5 213 301 |
| - Мижозларга кредитлар | 17 189 656 | 9 988 401 |
| | 21 673 861 | 15 201 702 |
| Фоишли харажатлар | | |
| - Мижозлар маблағлари | (2 367 571) | (1 433 240) |
| - Кредит муассасаларининг маблағлари | (1 811 566) | (1 319 757) |
| | (4 179 137) | (2 752 997) |
| Соф фоишли даромадлар | 17 494 724 | 12 448 705 |
| Кредитларнинг қадрсизланиши бўйича захиралар тикланиши/(шакллантирилиши) | (25 026) | (886 969) |
| Кредитлар қадрсизланиши бўйича захира шакллантирилганидан кейинги соф фоишли даромад | 17 469 698 | 11 561 736 |
| Воситачилик даромадлари | 4 915 335 | 4 653 384 |
| Воситачилик харажатлари | (1 119 767) | (609 705) |
| Валюта операцияларидан олинган соф фойда | 7 925 693 | 3 433 614 |
| Бошқа активлар қадрсизланиши бўйича захиралар | (68 477) | (10 866) |
| Бошқа даромадлар | 753 598 | 1 086 248 |
| Бошқа харажатлар | (1 164) | (27) |
| Фоизсиз даромадлар | 12 405 218 | 8 552 648 |
| Ходимлар таъминоти учун харажатлар | (7 044 137) | (5 595 185) |
| Амортизация | (522 166) | (356 750) |
| Бошқа операция харажатлар | (4 307 151) | (2 810 602) |
| Фоизсиз харажатлар | (11 873 454) | (8 762 537) |
| Фойда солиғи ундирилгунгача фойда | 18 001 462 | 11 351 847 |
| Фойда солиғига сарфланган харажатлар | (2 747 878) | (1 943 390) |
| Ҳисобот давридаги соф фойда | 15 253 584 | 9 408 457 |
| Бошқа умумий даромад | - | - |
| Ҳисобот давридаги жами умумий даромад | 15 253 584 | 9 408 457 |

ПУЛ МАБЛАҒЛАРИ ҲАРАКАТИ ТЎҒРИСИДАГИ ЙИЛЛИК ҲИСОБОТ (минг сўмда)

| | 31 декабрда яқунланган 2016 йил учун | 31 декабрда яқунланган 2015 йил учун |
|---|--|--|
| Операцион фаолиятдан олинган пул маблағлари ҳаракати | | |
| Олинган фоишлар | 21 436 676 | 15 242 251 |
| Тўланган фоишлар | (4 796 948) | (2 564 858) |
| Олинган воситачилик ҳақлари | 5 354 296 | 4 609 168 |
| Тўланган воситачилик ҳақлари | (1 141 491) | (555 834) |
| Соф фоишсиз даромадлар | 752 434 | 1 086 221 |
| Ходимлар таъминоти учун сарфланган харажатлар | (7 117 914) | (5 665 784) |
| Бошқа операция харажатлар | (4 318 655) | (1 775 234) |
| Операцион фаолиятдан олинган пул маблағлари ҳаракати, операцион активлар ва мажбуриятлардаги ўзгаришлардан олдин | 10 168 398 | 10 375 930 |
| Операцион активларнинг соф (кўпайиши)/камайиши | | |
| Кредит муассасаларидаги маблағлар | 25 301 449 | (11 012 759) |
| Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳисобидagi мажбурий захиралар | (4 084 774) | (2 690 467) |
| Мижозларга кредитлар | (24 149 243) | (49 000 552) |
| Бошқа активлар | 624 775 | 338 338 |
| Операцион мажбуриятларнинг соф кўпайиши/(камайиши) | | |
| Кредит муассасаларининг маблағлари | (39 471 693) | 47 922 390 |
| Мижозлар маблағлари | 26 046 328 | 12 760 053 |
| Бошқа мажбуриятлар | (11 256 708) | 12 323 948 |
| Даромад солиғи тўлангунга қадар операцион фаолиятдан олинган соф пул маблағларининг ҳаракати | (16 821 468) | 21 016 881 |
| Тўланган фойда солиғи | (2 820 796) | (2 389 600) |
| Операцион фаолиятдан олинган соф пул маблағлари ҳаракати | (19 642 264) | 18 627 281 |
| Инвестицион фаолиятдан тушган пул оқимлари | | |
| Асосий воситалар ва номоддий активларни харид қилиш | (527 419) | (2 084 815) |
| Асосий воситалар реализациясидан тушган тушум | 963 172 | 144 790 |
| Инвестицион фаолиятдан олинган соф пул маблағлари ҳаракати | 435 753 | (1 940 025) |
| Молиявий фаолиятдаги пул оқимлари | | |
| Муомалага чиқарилган қарз қимматли қоғозлар бўйича тушумлар | 11 729 718 | - |
| Тўланган дивидендлар | (3 355 440) | (3 892 720) |
| Молиявий фаолиятдан олинган соф пул маблағлари ҳаракати | 8 374 278 | (3 892 720) |
| Пул маблағлари ва уларнинг эквивалентларига валюта айирбошлашидаги ўзгаришларнинг таъсири | 7 399 441 | 1 191 625 |
| Пул маблағлари ва улар эквивалентларининг соф ўзгариши | (3 432 792) | 13 986 161 |
| Йил бошидаги пул маблағлари ва уларнинг эквивалентлари | 75 445 097 | 61 458 936 |
| Йил охиридаги пул маблағлари ва уларнинг эквивалентлари | 72 012 305 | 75 445 097 |

КАПИТАЛДАГИ ЎЗГАРИШЛАР ТЎҒРИСИДА ҲИСОБОТ (минг сўмда)

| | Устав капитали | Тақсимлан- маган фойда | Жами капитал |
|--|-------------------|---------------------------|-------------------|
| 2015 йил 1 январь ҳолатига кўра қолдиқ | 30 894 600 | 31 407 541 | 62 302 141 |
| Дивидендларнинг капитализацияси | 5 252 082 | (5 252 082) | - |
| Тўланган дивидендлар | - | (3 892 720) | (3 892 720) |
| Ҳисобот давридаги умумий даромад | - | 9 408 457 | 9 408 457 |
| 2015 йилнинг 31 декабрь ҳолатига қолдиқ | 36 146 682 | 31 671 196 | 67 817 878 |
| Устав капиталининг кўпайиши | 11 729 718 | - | 11 729 718 |
| Дивидендларни тўлаш | - | (3 355 440) | (3 355 440) |
| Ҳисобот давридаги умумий даромад | - | 15 253 584 | 15 253 584 |
| 2016 йилнинг 31 декабрь ҳолатига қолдиқ | 47 876 400 | 43 569 340 | 91 445 740 |

Молиявий ҳисоботнинг тўғрилиги «Grant Thornton» МЧЖ шаклидаги аудиторлик ташкилоти (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2008 йил 13 февралдаги АФ 00064-сонли лицензияси) томонидан тасдиқланган ва барча муҳим жиҳатлари бўйича амалдаги қонун ҳужжатлари ва Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига мувофиқ тайёрланган. Юқорида келтирилган маълумотлар тўғрисидаги ахборот банкнинг 2016 йилнинг 31 декабрь ҳолати бўйича ҳисоботи тўғрилиги ҳақидаги аудиторлик хулосасида бор.

Хизматлар лицензияланган.

АУДИТ НАТИЖАЛАРИ

5

O'ZSANOATQURILISHBANK

«Ўзбекистон саноат-қурилиш банки»
акциядорлик тижорат банкиПУЛ МАБЛАҒЛАРИНИНГ ҲАРАКАТИ ТЎҒРИСИДАГИ ЙИҒМА БАЛАНС ҲИСОБОТИ,
31 декабрда якунланган 2016 ва 2015 йиллар учун (минг сўмда)

| № | Моддалар | 2016 йил | 2015 йил |
|---|--|----------------------|------------------------|
| Операцион фаолиятдаги пул оқимлари | | | |
| 020 | Олинган фойзалар | 362 494 991 | 343 764 674 |
| 030 | Тўланган фойзалар | (155 279 181) | (185 748 990) |
| 040 | Воситачилик ҳақи ва хизматлар учун тўловлар кўринишида олинган пул маблағлари | 142 828 673 | 120 777 109 |
| 050 | Воситачилик ҳақи ва хизматлар учун тўловлар кўринишида тўланган пул маблағлари | (32 477 020) | (27 220 467) |
| 060 | Дилинг операциялари буйича реализация қилинган соф фойда | 4 122 524 | 10 359 536 |
| 070 | Ходимларни сақлаш учун тўланган харажатлар | (150 945 461) | (127 711 369) |
| 080 | Маъмурий ва бошқа тўланган операцион харажатлар | (70 142 692) | (71 787 662) |
| 090 | Бошқа операцион даромадлар | 11 516 628 | 7 516 158 |
| 100 | Етказиб берувчилар ва ходимларга тўланган пул маблағлари | | |
| 110 | Тўланган даромад (фойда) солиғи | (22 471 101) | (18 259 448) |
| 140 | Операцион активларнинг ва мажбуриятларнинг ўзгаришига қадар операцион фаолият буйича пул маблағлари ҳаракати | 89 647 361 | 51 689 541 |
| 150 | Операцион активларнинг соф камайиши (ўсиши): | | |
| 151 | Банкларга берилган кредит ва аванс (бунақларнинг соф камайиши (ўсиши)) | 113 146 944 | (200 541 959) |
| 152 | Мижозларга берилган кредит ва аванс (бунақларнинг соф камайиши (ўсиши)) | (1 400 079 765) | (1 082 668 331) |
| 153 | Бошқа активларнинг соф камайиши (ўсиши) | 7 696 750 | 11 550 445 |
| 160 | Операцион мажбуриятларнинг соф камайиши (ўсиши): | | |
| 161 | Депозитларнинг соф ўсиши (камайиши) | 325 955 442 | 41 400 121 |
| 162 | Бошқа банкларга тўланиши лозим бўлган маблағлар соф ўсиши (камайиши) | (129 533 382) | 123 958 606 |
| 163 | Бошқа мажбуриятларнинг ўсиши (камайиши) | (852 798) | (2 113 095) |
| 170 | Операцион фаолиятдан соф пул маблағлари | (994 019 448) | (1 056 724 672) |
| Инвестиция фаолиятдан пул оқимлари | | | |
| 180 | Олинган дивидендлар | 1 743 383 | 1 834 212 |
| 181 | Операцион фаолият сифатида таснифланганлардан бошқа қимматли қўғозларни сотиб олиш | | (3 514 281) |

| № | Моддалар | 2016 йил | 2015 йил |
|--|--|----------------------|----------------------|
| 182 | Операцион фаолият сифатида таснифланганлардан бошқа қимматли қўғозларни сотиб олиш | 1 000 000 | 379 724 |
| 183 | Сотиб олинган шўба, қарам хўжалик жамиятлари ва қўшма корхоналар (сотиб олинган пул маблағларини ҳисобга олмаган ҳолда) | | - |
| 185 | Асосий воситалар, номоддий активлар ва бошқа узоқ муддатли активларни сотиб олиш | (31 263 638) | (20 208 705) |
| 186 | Асосий воситалар, номоддий активлар ва бошқа узоқ муддатли активларни сотиб олиш | 1 127 336 | 684 848 |
| 187 | Шўба, қарам хўжалик жамиятлари ва қўшма корхоналарни сотишдан тушган тушум (тўланган пул маблағларини ҳисобга олмаган ҳолда) | 7 048 121 | - |
| 188 | Қарам хўжалик жамиятларидан олинган даромад | | |
| 200 | Инвестиция фаолиятдан олинган соф пул маблағлари | (20 344 798) | (20 824 202) |
| Молия фаолиятига оид пул оқимлари | | | |
| 290 | Қарз маблағлари ва қарз қимматли қўғозлари буйича тушумлар | 1 364 811 042 | 823 903 411 |
| 300 | Қарз маблағлари ва қарз қимматли қўғозлари буйича тўловлар | (201 873 111) | (78 589 325) |
| 310 | Молиявий ижара буйича тўловлар | | |
| 320 | Акцияларни чиқариш | | 57 639 315 |
| 330 | Акцияларни бекор қилиш | | |
| 340 | Ўз акцияларини қайта сотиб олиш | | |
| 350 | Сотиб олинган ўз акцияларини сотиш | | 8 940 000 |
| 360 | Пул шаклида дивидендлар тўлаш | (20 009 769) | (16 890 611) |
| 370 | Инфляциянинг молиявий фаолиятга таъсири | | |
| 375 | Сотиб олинган ўз акцияларини сотиш (сотиб олиш) | 695 436 | 1 222 239 |
| 380 | Молиявий фаолиятдан олинган соф пул маблағлари | 1 143 623 598 | 796 225 029 |
| 390 | Валюта курси ўзгаришларининг пул маблағлари ва пул эквивалентларига таъсири | 23 983 222 | 5 537 450 |
| 410 | Пул маблағлари ва пул эквивалентларининг соф ортиши | 153 242 574 | (275 786 395) |
| 420 | Йил бошидаги пул маблағлари ва пул эквивалентлари | 806 343 361 | 1 082 129 756 |
| 430 | Йил охиридаги пул маблағлари ва пул эквивалентлари | 959 585 935 | 806 343 361 |

Молиявий ҳисоботнинг тўғрилиги «Deloitte & Touche» аудиторлик компанияси (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2008 йил 8 февралдаги АФ № 00500-сонли лицензиясига эга) томонидан тасдиқланган ва унинг барча муҳим жиҳатлари амалдаги қонун ҳужжатлари ва бухгалтерия ҳисобини юртишнинг халқаро стандартларига мувофиқ тайёрланган. Юқорида келтирилган маълумотлар тўғрисидаги ахборот банкнинг 2016 йил 31 декабрь ҳолати буйича ҳисоботи тўғрилиги ҳақидаги аудиторлик хулосасида бор.

Хизматлар лицензияланган.

Халқ банки: тадбиркор аёллар
сафини кенгайтириб

(Давоми. Бошланиши 2-бетда).

— Давлатимиз ишбилармон аёллар, жумладан, касб-хунари коллежаларининг битирувчи қизларининг тадбиркорлик билан шуғулланишлари учун қулай шароит яратмоқда, — дейди «Тадбиркор аёл» Ўзбекистон ишбилармон аёллар уюшмаси раиси Гулнора Маҳмудова. — Шу билан бирга, қулай имкониятларни яратиш — бу тадбиркор учун кимдир бизнес очади ва юртади, дегани эмас. Тадбиркорларнинг ўзи истиқлол йилларида яратилган шароитлар ва имкониятлардан унумли фойдалана олишлари зарур. Шу сабабли, энди иш бошлаётган тадбиркор хотин-қизларнинг

ҳуқуқий ва молиявий савдо-хонлигини оширишга алоҳида эътибор берганмиз.

Акциядорлик тижорат Халқ банки томонидан эса тадбиркор аёлларни молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида 2017 йилнинг ўтган даврида 3 минг нафарга яқин аёл тадбиркорларга 43,9 млрд. сўмлик кредитлар ажратилди.

Хусусан, ишлаб чиқариш соҳасидаги 57 нафар тадбиркор аёлга 1,1 млрд. сўм, қишлоқ хўжалиги соҳасида 1 329 нафар тадбиркор аёлга 15,7 млрд. сўм, савдо соҳасида 289 нафар хотин-қизларга 11,0 млрд. сўм, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш мақсадида 301 нафар тад-

биркор аёлга 5,2 млрд. сўм ва бошқа соҳалардаги 655 нафар тадбиркор аёлга 10,9 млрд. сўм миқдорда кредитлар ажратилди. Мазкур кредитлар ҳисобига қўшимча равишда 2 мингдан ортқ янги иш ўринлари яратилди.

Ўртимизда хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш бора-бора амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар самараси ўларок, кичик бизнес субъектларининг 120 мингдан зиёдини, хусусан, фермер хўжалиқларининг 4 минг 550 дан ортигини хотин-қизлар муваффақиятли бошқармоқда.

Бугунги кунда 14 минг нафардан зиёд ишбилармон аёлларни ўз сафига бирлаштирган «Тадбиркор аёл» Ўзбекистон ишбилармон аёллар уюшмаси томонидан бизнесини бошламоқчи бўлган аёлларга қўмақлашиш, уларнинг ташаббусларини рўёбга чиқариш, пировардида, янги иш ўринлари яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бекзод АКРОМОВ.

Кичик бизнеснинг
катта лойиҳаси

«Ўзсаноатқурилишбанк» акциядорлик-тижорат банки кредит маблағлари ҳисобидан Хитойдан интенсив тут қўчатлари ва пиллани етиштириш учун маҳсуус ускуналар олиб келтирилди. Натияжа Бухоро вилоятининг Ғиждувон, Шофиркон ва Пешку туманларида 2 500 та янги иш ўрни яратилди.

«Ўзсаноатқурилишбанк» томонидан ҳудудлар ижтимоий-иқтисодий ҳаётини яхшилаш, хусусан, ҳукумат миқёсидаги инвестициявий лойиҳаларни молиялаштириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ҳамда бандлик даражасини ошириш чора-тадбирлари фаол давом эттирилмоқда. Жумладан, Бухоро вилоятида пилла етиштириш ва ипақдан тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш лойиҳасини ишга тушириш ҳам мазкур банкнинг молиявий мадади билан амалга оширилмоқда.

Лойиҳа «Bukhara Brilliant Silk» қўшма корхонаси томонидан вилоятнинг энг кўп ишчи кучи мавжуд бўлган туманлари — Ғиждувон, Шофиркон ва Пешкуда ҳар бирида 500 гектар, жами 1 500 гектар майдонда интенсив тут плантациялари ҳамда етиштирилган пиллани қайта ишлаш комплексини ташкил этишга қаратилган. Лойиҳанинг татбиқ этилиши натижасида корхона режага асосан бир йилда 3 марта пилла ҳосилини олган ҳолда қўшимча равишда 1 260 тонна пилла хомашёсини ўзи етиштиради ва 135 тонна ипақ толаси ҳамда 1 350 минг п/м ипақ матосини ишлаб чиқариб, уларнинг барчасини экспортга йўналтиради. Айтиш жоиз, «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ йилдан-йилга кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасига ажратган сармоялари ҳажмини 1,3 бараварга ошириб бормоқда. Биргина 2016 йилда ушбу йўналишга 1 трлн. 122 млрд. сўмлик маблағ жалб қилинган бўлиб, жорий йилда мазкур миқдорни янада ошириш мўлжалланган.

Ширин БАЙСЕНОВА.

БАНК ХИЗМАТЛАРИ, УСКУНАЛАРИ ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ НАМОЙИШИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

– Иқтисодийтни ҳаракатлантирувчи куч бўлган банкларнинг давлат ва жамият олдидagi вазифалари ҳар қачон улар эҳтиёжларига монанд ортиб бораверади, – дейди **Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарма бошлиғи ўринбосари Мухтор Шоназаров.** – Мамлакатимизда банклар фаолияти уларнинг ўз функционал вазифаларидан ташқари ҳукумат миқёсида қабул қилинаётган дастурлар ижроси асосида таҳлил қилиниб, баҳоланади. Жорий йилда тижорат банкларимиз «Аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш» дастурига кўра, бевосита халқимиз билан яқиндан мулоқот қилишга киришган. Учрашувлар мобайнида юрдошларимизга чорвачилик, паррандачилик, қуёнчилик, асаларичилик, балиқчилик, мева-сабзавот етиштириш, иссиқхоналар ташкил қилиш каби йўналишларда кредит ажратиш тизими соддалаштирилгани, имтиёзлар жорий этилгани маълум қилинди.

Банк ходимлари томонидан ушбу фаолият турларининг намунавий бизнес-режаларни тақдим этилди. Натижада жорий йилнинг биринчи чорагида тижорат банклари томонидан мазкур йўналишда қарийб 1 трлн. 500 млрд. сўмлик имтиёзли кредитлар ажратилиб, 218 мингдан зиёд иш ўрни яратилди.

Дарҳақиқат, жорий йилда «BankExpo» миллий кўргазмаси «Халқни тадбиркор қилиш» шиори остида ўтказилган эътиборга моликдир. Кўргазмада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари, тадбиркор аёллар ҳамда тадбиркорлик фаолиятини бошлаш истагида бўлган таълим муассасалари битирувчиларига банк хизматлари ҳақида маълумот ва тавсиялар беришга алоҳида эътибор қаратилди.

– «Микрокредитбанк» ташкил этилибдики, бор имкониятини халқни тадбиркор қилиш мақсадига қаратиб келмоқда, – дейди **банкнинг Юридик шахсларни кредитлаш департаменти директори Зафар Аҳмедов.** – Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йилида ҳам банкимиз зиммасига улкан ва-

зифалар юкланган. Биргина қуёнчилик соҳасини ривожлантиришга муассасамиз масъул ташкилот сифатида шу кунга қадар 57 та агрофирмани ташкил этиб, Италиядан 1500 бош зотдор қуён келтиришга ўз ҳиссасини қўшди. Кўргазмада иқтисодийтни янада ривожлантириш ва фуқаролар фаровонлигини оширишга қаратилган шу сингари қатор намунавий лойиҳалар тақдим этилди.

Умуман, кўргазмага барча банклар ҳар йилгиданда катта ҳозирлик кўрган. Экспозициялар декоратив жиҳатдан юқори даражада безатилган, уларнинг ҳар бирида банкмолия муассасаларининг бизнесдаги бренди акс эттирилган. Банкларнинг стендларида замонавий технологияларнинг сўнгги ютуқларидан фойдаланган ҳолда барча интерактив хизматлар амалда намоиш этилди, анъанавий маҳсулотлар бўйича эса, буклет ва флаерлар тарқатилди.

– Янги аср кишиларнинг онгу шуури билан бирга қизиқиш ва талабларини ҳам ўзгартирмоқда, – дейди **«Мадад инвест банк» АТБнинг Корпоратив кредитлаш бўлими бошлиғи Асрор Полвонов.** – Бу ҳолат кўргазмада ҳам яққол кўзга ташланди. Нокамптарлик бўлса ҳам айтаман, банкимиз янги ташкил этилгани боис стендимиз ҳеч бир ташриф буюрувчининг эътиборидан четда қолмади. Кредит олиш учун аризининг он-лайн қабул қилиниши, кредитнинг қисқа муддатда (бир кунда) чиқарилиши, мижозларнинг ўз пластик карталарида бўш пул маблағларини юқори фоизларда сақлаш имконининг мавжудлиги улар диққатини тортди.

Тадбир давомида банклар ўз мижозларига кредит олиш ҳуқуқини берувчи сертификатларни тақдим этди, ўзаро самарали ва манфаатли ҳамкорлик учун миннатдорлик сифатида совғалар улашди. Жумладан, «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ томонидан эълон қилинган «Энг яхши бизнес лойиҳа» танловининг 10 нафар голиби тадбирда ана шундай имкониятни кўлга киритди.

Ташриф буюрувчилар хорижий капитал асосида ташкил этилган қўшма банклар ҳамда хусусий банклар фаолиятига



алоҳида қизиқиш билдирди. Улар томонидан уюштирилган викторина ўйинлари ва акцияларда фаол қатнашдилар. Хусусан, ҳар йили мазкур кўргазмада акция ўтказишга одатланган «Asia Alliance Bank» АТБ ушбу тадбирда ҳам халқро пластик карталар талабгорларига шу йилнинг 1 майдан 31 июлигача «Visa classic» ёки «Visa gold» бўйича акция ўтказётганини эълон қилди. «Orient Finans» ХАТБ эса, кўргазма иштирокчилари эътиборига қатор онлайн хизматларини ҳавола этди.

– «Visa», «MasterCard», «Union Pay» халқро пластик карталаридан фойдаланувчи мижозларимиз учун ўз пул маблағлари ҳаракатини кузатиб бориш ва ҳолатини ўзгартириш имконини берувчи «Шахсий кабинет» хизматини жорий этдик, – дейди **«Orient Finans» банки Чакана хизматларни ривожлантириш департаменти директори Роза Шайдунова.** – Шунингдек, тадбирга ташриф буюрганлар банкимизда сейфли ячейкаларни брон қилиш ва улар учун тўловларни амалга оширишнинг он-лайн режими ишга тушганлигини, эндиликда хизматларимиз тўғрисида батафсил маълумотларни «Telegram» ка-

нали орқали муассасамизнинг махсус БОТ тизимдан олиши мумкинлигини билиб олдилар.

Шу ўринда қайд этиш жоиз, банк тизимида электрон хизмат кўрсатишга ўтиш, яъни банклар офисдан ташқарида ҳам мижозлар билан турли янги каналлар орқали ишлаганда уларнинг банк хизматлари етиб бормаган олис туманлардаги аҳоли билан мулоқоти йўлга қўйилишига, пировардида масофавий тизим ҳисобига фаолияти ҳар жиҳатдан янада барқарорлашига омил бўлади.

– «KDB Bank Uzbekistan» Ўзбекистон иқтисодийтини ривожлантиришда, хусусан, турли муҳим тармоқлардаги йирик лойиҳаларни молиялаштиришда фаол қатнашиб келмоқда, – дейди **банкнинг Кредит таҳлили бошқармаси бошлиғи Шавкатхўжа Қодирхўжаев.** – Жорий йилда 2016 йилдагидек, 52 млн. АҚШ доллари эквивалентида сармоялар жалб қилиш режалаштирилган бўлиб, ўтган биринчи чорак давомида қарийб 30 млрд. сўмлик кредит ажратилди. Ушбу маблағлар «Андижон кабель» АЖ, «Ўзкabel» АЖ, «Огнеупор» МЧЖ каби

электр энергия соҳасида фаолият юритувчи корхоналарга модернизациялаш ишларига йўналтирилди.

Кўргазмада тижорат банклари билан бир қаторда но-банк кредит ташкилотлари, етакчи сугурта, лизинг ва IT компаниялар ҳам ўз маҳсулот ҳамда хизматларини намоиш этди. Шунингдек, унда бугунги кунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, хусусан, аёллар ва ёшлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлашда банклар билан яқиндан ишлайтган Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Хотин-қизлар қўмитаси, Савдо-саноат палатаси, «Камолот» ЁИХ, «Хунарманд» уюшмаси ҳамда қатор олий ўқув юртлари ҳам фаоллик кўрсатди.

– Жорий йилги кўргазмада банкнотларни сараловчи энг сўнги ускуна – «GRG Banking» машинаси билан иштирок этдик, – дейди **«Tex sistema serviss» МЧЖ етакчи мутахассуси Акмал Усмонов.** – Тўрт чўнтакли ушбу ускуна пулларни санаш ва саралашда кўп функцияликка эга. Жумладан, банкнотларни ярқил ва ярқисизга ажратиши, аралаш пул-

БАНК ХИЗМАТЛАРИ, УСКУНАЛАРИ ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ НАМОЙИШИ

ларни саралаб, номинал қиймати буйича тахлайди, санаш давомида гулини гулига туширади. Машинани ишлаб чиқишда экологик жиҳатлар ҳам ҳисобга олинган. У ҳаракати давомида пуллардаги чанглари ҳавога тарқатмай, ўзига тортади. «GRG Banking» қуввати бир минутда мингта банкнотни санашга мўлжалланган.

Кўргазма Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан Олий Мажлис Сенати Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари қўмитаси, парламент

қуйи палатасининг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар ҳамда Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмиталари, Ўзбекистон Ахборот технологиялари корхона ва ташкилотлар Ассоциацияси, Банклар Ассоциацияси ҳамда тижорат банклари билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Унинг дастури доирасида тижорат банклари, вазирлик ва идоралар ҳамда нуфузли олий ўқув юртлирининг профессор-ўқитувчилари ва мутахассислари билан тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш, имтиёз ва преференциялар, бизнеснинг янги трендлари буйича

семинарлар, тақдимотлар, учрашувлар ўтказилди. Аҳоли, тадбиркор ва ёшларга кўрсатилаётган янги хизматлар, хусусан, янги кредит ва депозит маҳсулотларига бағишланган тақдимот маросимлари уюштирилди. IT-компаниялари вакиллари томонидан эса, мижозларнинг ҳисобварақларини масофадан туриб бошқариш, банк маркетингининг янги йўналиши, яъни мижозларни интернет орқали жалб этиш, улар билан ўзаро манфаатли муносабатларни такомиллаштиришнинг замонавий усуллари жорий этиш мавзуларида семинарлар ташкил этилди.



КЎРГАЗМА ДАВОМИДА ТАҚДИРЛАНГАН ТАДБИРКОРЛАРДАН БЛИЦ ИНТЕРВЬЮЛАР:

ЗИЁДА АБДУЛЛАЕВА,
«Қишлоқ қурилиш банк» АТБнинг
Хоразм вилояти филиали мижози:

– Биз истиқомат қиладиган қишлоққа газ етиб бормаган, электр энергиясида ҳам доим узилишлар бўлади. Беш йилдирки, шундай шароитда «Қишлоқ қурилиш банк» ва туманимиз ҳокимияти кўмагида оилавий тадбиркорлик билан шуғулланиб, Ҳонқа тумани аҳолисини қолипли нон ва бошқа кўп турдаги нон маҳсулотлари билан таъминлаб келаямиз. Бугунги кунда олти нафар фарзандим билан ойига 4,5-5 тонна ундан тайёр маҳсулот ишлаб чиқараямиз. Кўргазмада қўлга киритган сертификатимиз билан мазкур банкдан 50 млн. сўм миқдорда кредит олиб, иш кўлами ва ишчилар сонини янада кенгайтириш ниятидамиз.

УМРЗОҚ ҲАМДАМОВ,
«Гулбоғ-Озод Ҳамдамов» фермер хўжалиги
раҳбари, «Асака» АТБнинг Тошкент вилояти филиали мижози:

– Паркент тумани мева-сабзавотларини айна пайтда бутун дунё севиб истеъмол қилмоқда. Унумдор ерлар, қулай иқлим шароити қишлоқ хўжалигининг қай йўналиши билан шуғулланманг, юқори ҳосилдорликка эришишингизни кафолатлайди. Кўп йиллик тажрибага эга фермер хўжалигимизда узумчиликни ривожлантиришни мақсад қилиб, «Асака» банкка мурожаат қилдик. Лойиҳамиз (умумий қиймати 91,4 млн. сўм) манзур бўлиб, ушбу кўргазмада «Қишлоқдаги энг намунали бизнес-режа» номинацияси доирасида тақдирландик. Таклиф учун банкка миннатдорлик билдирамиз, чунки кўргазмада тадбиркорлик фаолиятига доир кўплаб молиявий хизматлар билан яқиндан танишдик. Рағбат эса, руҳимизни кўтариши билан бирга, уни албатта оқлаш керак, деган масъулиятни юклади.

ШУКУРЖОН САЙДУЛЛАЕВ,
«Шукрдавлат» кўп тармоқчи хусусий фирмаси
раҳбари, АТ Халқ банкининг Фарғона вилояти филиали мижози:

– Халқ банкининг 1 млрд. 300 млн. сўмлик кредит маблағлари эвазига чорвачилик ва сут маҳсулотларини қайта ишлашни йўлга қўйдик. Сармоёга насли чорва моллари харид қилинди, 25 нафар касб-хунар коллежи битирувчиси ишга жалб этилди.

Бугун жамоамиз учун қувончли кун. Халқ банки томонидан ўтказилган танловда «Энг яхши озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш лойиҳаси» номинацияси буйича ғолибликни қўлга киритдик. Ҳам хизмат, ҳам рағбат ҳамма ташкилотга хос эмас. Шу боис мазкур банк билан ҳамкорлик қиладиганимиздан мамнун бўлган ҳолда муассаса раҳбариятига ўз миннатдорлигимизни билдирамиз.



ГЎЗАЛ РАҲИМОВА,
пойтахтимизнинг Юнусобод туманидаги яқка тартибдаги тадбиркор,
Акциядорлик тижорат «Алоқабанк» мижози:

– Банк ходимлари уйимизга келиб, юртимизда тадбиркорлик билан шуғулланиш учун мавжуд имкониятлар, кредит олишнинг афзалликлари, шартлари ва имтиёзларини айтиб беришгандан сўнг менда ҳам ўз бизнесимни йўлга қўйишга бўлган қизиқиш пайдо бўлди, – дейди Гўзал Раҳимова. – Уй шароитида нон ишлаб чиқариш буйича лойиҳам учун «Алоқабанк»дан 18 ойга, имтиёзли 9 фоиз устамаси билан 9 млн. сўм кредит олдим. Кредит ҳисобига ун маҳсулотларини харид қилиб, тандирда мазали ширмой нон ва патир пиширган ҳолда, маҳалламиз бозорчасида сотувини йўлга қўйдик. Ҳозирда

2 нафар ишчи билан фаолият юритаётган бўлсам, келгусида иш ўринлари сонини кўпайтириш ва тайёрланаётган нон ҳажмини янада оширишни режалаштирганман. Бу борада яна банкимиз сармоёларига суянишни мақсад қилганман. «BankExpo – 2017» миллий кўргазмаси доирасида «Алоқабанк» томонидан аввал эълон қилинган танлов ғолибларини тақдирлаш маросимида мен «Аёл тадбиркорлар учун энг яхши лойиҳа» номинацияси ғолиби сифатида эътироф этилдим. Бу ҳам меннинг келгуси фаолиятим ривожига рағбатлантирувчи омил бўлиб хизмат қилади.

«ISHONCHLI MABLAG» МИКРОКРЕДИТ ТАШКИЛОТИ» МЧЖ

Рўйхатга олиш рақами: ЎЗР МБнинг 2015 йил 12 сентябрдаги 42-сонли лицензияси.
Юридик манзили: 150700, Фаргона вил., Кўкон ш., Истиқлол кўчаси, 18-уй.

БАЛАНС ҲИСОБОТИ, 2016 йилнинг 31 декабрь ҳолатига

| КОД | КУРСАТКИЧЛАР | МИНГ СУМ |
|--------------------------------|--|----------------|
| АКТИВЛАР | | |
| 10 | Кассадаги нақд пуллар ва бошқа тўлов ҳужжатлари | 15 606 |
| 20 | Банкдан олинган лозим бўлган маблағлар | 50 861 |
| 30 | Олинган лозим бўлган ҳисобланган фойзалар | 11 370 |
| 40 | Сотиб олинган дебиторлик қарзлари - факторинг | 0 |
| 50 | Кредитлар (микрокредит, микроқарз, истеъмо), брутто | 459 111 |
| 51 | Минус: кредитлар бўйича қўрилиши мумкин бўлган зарарлар захираси | 3 513 |
| 52 | Кредитлар, соф (50 код - 51 код) | 455 597 |
| 60 | Микролизинг, соф | 0 |
| 70 | Ассойи воститлар, соф | 24 891 |
| 80 | Номоддий активлар, соф | 10 596 |
| 90 | Қарз ҳисоб-китоблари аҳолига олинган активлар (91 код - 92 код) | 0 |
| 91 | Кўчмас мулк ва бошқа хусусий мулклар | 0 |
| 92 | Минус: қўрилиши мумкин бўлган зарарлар захираси | 0 |
| 100 | Бошқа активлар | 2 876 |
| 110 | Жами активлар (10+20+30+40+52+60+70+80+90+100) | 571 796 |
| МАЖБУРИЯТЛАР ВА КАПИТАЛ | | |
| МАЖБУРИЯТЛАР | | |
| 210 | Тўланиши лозим бўлган кредитлар | 166 000 |
| 220 | Лизинг бўйича мажбуриятлар | 0 |
| 230 | Тўланиши лозим бўлган фойзалар | 1 551 |
| 240 | Тўланиши лозим бўлган ҳисобланган солиқлар | 3 012 |
| 250 | Муддати узайтирилган даромадлар | 167 |
| 260 | Бошқа мажбуриятлар | 649 |
| 270 | Жами мажбуриятлар (210+220+230+240+250+260) | 171 380 |
| КАПИТАЛ | | |
| 310 | Устав капитали | 370 000 |
| 320 | Захира фонди | 0 |
| 330 | Текинга олинган мулклар | 0 |
| 340 | Узлаштирилган грант маблағлари | 0 |
| 350 | Тақсимланмаган фойда | -2 674 |
| 360 | Бошлангич қийматга нисбатан баҳолаш қийматининг ошган суммаси | 0 |
| 370 | Жорий йил фойдаси (зарар) | 33 090 |
| 380 | Жами капитал (310+320+330+340+350+360+370) | 400 416 |
| 390 | Жами мажбуриятлар ва капитал (270+380) | 571 796 |

МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАР ТЎҒРИСИДАГИ ҲИСОБОТ,
2016 йилнинг 31 декабрь ҳолатига

| КОД | КУРСАТКИЧЛАР | МИНГ СУМ |
|---|---|----------------|
| 1. ФОИЗЛИ ДАРОМАДЛАР | | |
| 110 | Банклардаги депозитлар бўйича фойзли даромадлар | 0 |
| 120 | Жисмоний шахсларга берилган микроқарзлар бўйича фойзли даромадлар | 203 668 |
| 130 | Якка тартибдаги тадбиркорларга берилган микрокредитлар бўйича фойзли даромадлар | 0 |
| 140 | Юридик шахсларга берилган микрокредитлар бўйича фойзли даромадлар | 1 413 |
| 150 | Микролизинг бўйича фойзли даромадлар | 0 |
| 160 | Бошқа фойсиз даромадлар | 0 |
| 170 | Жами фойзли даромадлар (110+120+130+140+150+160) | 205 081 |
| 2. ФОИЗЛИ ХАРАЖАТЛАР | | |
| 210 | Банклардан олинган кредитлар бўйича тўланиши лозим бўлган фойзли харажатлар | 0 |
| 220 | Бошқа кредиторларга тўланиши лозим бўлган фойзли харажатлар | 13 478 |
| 230 | Лизинг (микролизинг) бўйича фойзли харажатлар | 0 |
| 240 | Бошқа фойзли харажатлар | 0 |
| 250 | Жами фойзли харажатлар (210+220+230+240) | 13 478 |
| 3. КРЕДИТЛАР БЎЙИЧА ҚЎРИЛИШИ МУМКИН БЎЛГАН ЗАРАРЛАРНИ БАҲОЛАШГАЧА БЎЛГАН СОФ ФОИЗЛИ ДАРОМАДЛАР | | |
| 310 | Минус: кредитлар бўйича қўрилиши мумкин бўлган зарарларни баҳолаш | 3 513 |
| 320 | Кредитлар бўйича қўрилиши мумкин бўлган зарарлар баҳолангандан сўнг соф фойзли даромадлар (310-320) | 188 090 |
| 330 | Жами фойсиз даромадлар (410+420+430+440+450) | 6 160 |
| 4. ФОИЗСИЗ ДАРОМАДЛАР | | |
| 410 | Хизматлар ва бошқа воситачиликдан олинган даромадлар | 4 344 |
| 420 | Сотиб олинган дебиторлик қарзларидан олинган даромадлар - факторинг | 0 |
| 430 | Чет эл валютаси курси ўзгариши натижасида олинган фойда | 0 |
| 440 | Грант маблағларидан олинган даромад | 0 |
| 450 | Бошқа фойсиз даромадлар | 1 815 |
| 460 | Жами фойсиз даромадлар (410+420+430+440+450) | 6 160 |
| 5. ФОИЗСИЗ ХАРАЖАТЛАР | | |
| 510 | Кўрсатилган хизматлар ва воситачилик харажатлари | 4 798 |
| 520 | Чет эл валютаси курси ўзгариши натижасида қўрилган зарар | 0 |
| 530 | Бошқа фойсиз харажатлар | 0 |
| 540 | Жами фойсиз харажатлар (510+520+530) | 4 798 |
| 6. ОПЕРАЦИОН ХАРАЖАТЛАРГАЧА СОФ ФОЙДА (330+460-540) | | |
| 600 | Жами фойсиз даромадлар (410+420+430+440+450) | 189 452 |
| 7. ОПЕРАЦИОН ХАРАЖАТЛАР | | |
| 710 | Ходимлар иш ҳақи ва улар учун йўналтирилган бошқа харажатлар | 86 704 |
| 720 | Ижара ва таъминот харажатлари | 33 992 |
| 730 | Хизмат сафари ва транспорт харажатлари | 1 777 |
| 740 | Маъмурий харажатлар | 13 652 |
| 750 | Эскириш харажатлари | 6 277 |
| 760 | Сугурта, солиқ ва бошқа харажатлар | 13 959 |
| 770 | Жами операция харажатлар (710+720+730+740+750+760) | 156 362 |
| 8. КРЕДИТЛАР БИЛАН БОҒЛИҚ БЎЛМАГАН ҚЎРИЛИШИ МУМКИН БЎЛГАН ЗАРАРЛАРНИ БАҲОЛАШ | | |
| 800 | 0 | 0 |
| 900 | 9. ФОЙДА СОЛИГИ ВА БОШҚА ТУЗАТИШЛАРГАЧА БЎЛГАН СОФ ФОЙДА (600-770-800) | 33 090 |
| 1000 | 10. Фойда солиғи* | 0 |
| 1010 | Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи | 0 |
| 1100 | 11. ТУЗАТИШЛАРГАЧА БЎЛГАН ФОЙДА (900 - 1000 - 1010) | 33 090 |
| 1110 | ФОЙДАГАЧА БЎЛГАН ТУЗАТИШЛАР, СОФ ** | 0 |
| 1200 | 12. СОФ ФОЙДА (ЗАРАР) (1100+/-1110) | 33 090 |

Изоҳ: * микрокредит ва микроқарз бўйича;
** микролизинг бўйича; микролизинг бўйича қўрилиши мумкин бўлган зарарлар захираси.

Молиявий ҳисоботининг тўғрилиги «ELITE INVEST RENOME AUDIT» МЧЖ аудиторлик ташкилоти (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2009 йил 30 июлдаги АФ 00699-сонли лицензиясига эга) томонидан тасдиқланган ва унинг барча муҳим жиҳатлари Бухгалтерия ҳисоботининга миллий стандартларига мувофиқ тайёрланган. Юқорида келтирилган маълумотлар тўғрисидаги ахборот микрокредит ташкилоти ҳисоботининг 2016 йил 31 декабрь ҳолати бўйича тўғрилиги ҳақидаги аудиторлик хулосасида бор.

Хизматлар лицензияланган.

Худудларда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш масалалари илмий таҳлил қилинди

Тошкент молия институтига «Худудлар молиявий салоҳиятини юксалтиришда хизмат кўрсатиш соҳасининг аҳамияти» мавзусида илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 13 февралдаги фармойиши билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикасида 2017 йилда халқаро ва республика миқёсида ўтказиладиган илмий ва илмий-техникавий анжуманлар режаси» ҳамда Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2017 йил 17 февралдаги «Вазирлик тизимидаги олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасаларида 2017 йилда ўтказиладиган илмий ва илмий-техникавий анжуманлар режасини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғида белгиланган вазифаларнинг ижросини таъминлаш мақсадида ташкил этилган анжуманда бир қатор вазирлик ва идораларнинг вакиллари, иқтисодий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари, тадқиқотчилар, шунингдек, ОАВ ходимлари иштирок этди.

Конференция доирасида мамлакатимизнинг ёш ва етакчи иқтисодчилари ўртасида иқтисодий-тириш ривожлантириш ва либераллаштириш орқали худудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини ислоҳ қилиш, худудлар молиявий салоҳиятини юксалтиришда хизмат кўрсатиш соҳасининг ролини ошириш, худудий иқтисодий-тиришнинг илғор хориж тажрибаларини ўрганиш, худудларда сервис соҳаси тараққиётини таъминлашда молия институтларининг ролини ошириш масалаларига оид замонавий муаммолар тадқиқ қилинди.

– 2016-2020 йилларда мамлака-

Рашид МИРЗАКАРИМОВ.

Тарғибот ишлари давом этмоқда

Ёнғинларнинг аксарияти аҳоли турар жойларида содир бўлиб, бунинг сабаблари асосан оловдан фойдаланишдаги эҳтиётсизлик, носоз электр ва газ жиҳозлари, болаларнинг қаровсиз қолиб, ўт билан ўйнаши кабилардир. Бундай нохуш ҳолатларнинг олдини олиш учун соҳа ходимлари жойларда тушунтириш ишларини олиб боришмоқда.

Маълумки, жорий йил 9 февраль куни ички ишлар органлари фаолияти, мавжуд муаммо ва камчиликлар, истиқболдаги вазифаларга бағишлаб ўтказилган йўналишда Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан ҳафтанинг пайшанба кунини жиноятчиликнинг олдини олиш ва профилактика куни, деб эълон қилиш таклиф этилганди. Профилактика куни муносабати билан маҳалла фалолари иштирокида ўтказиладиган тадбирлар доирасида ёнғин хавфсизлиги қондаларига риоя этилиши таҳлил қилиниб, ёнғиннинг олдини олиш, уни келтириб чиқарувчи сабабларни бартараф этиш юзасидан ҳам тарғибот ишлари олиб боришмоқда. Аҳоли турар жой биноларининг ёнғин хавфсизлиги ҳолатини текшириш эса мавжуд камчиликлар ҳақида маълумотга эга бўлиш, юз бериши мумкин бўлган ёнғинларнинг олдини олишга хизмат қилмоқда.

Шерзод ИСЛАМОВ,
Юнусобод тумани ИИБ ЁХБ
кичик инспектори, кичик сержант.

Сайёҳлик имкониятларининг кенг тарғиботи

Пойтахтимизда «Дам олиш дунёси – 2017» V халқаро Ўзбекистон сайёҳлик кўргазмаси бўлиб ўтди.

«Ўзэкспомарказ» мажмуи-ўтказилган мазкур анжуман Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ва Миллий туризм маҳсулотларини тарғибот қилиш маркази томонидан Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирилик, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳамкорлигида ташкил этилиб, унда Буюк Британия, Германия, Жанубий Корея, Испания, Италия, Латвия, Малайзия, Миср, Бирлашган Араб Амирликлари, Озарбайжон, Россия, Сингапур, Таиланд, Туркменистон, Туркия, Франция, Хитой, Япония, Қирғизистон, Қозоғистон каби мамлакатлардан 200 га яқин фирма ва компания вакиллари, шунингдек, мамлакатимизда фаолият юритувчи хорижий давлатларнинг дипломатик корпуси, халқаро ташкилотлар вакиллари, соҳа мутахассислари, олимлар ва экспертлар иштирок этди.

Кўргазманинг очилишида сўз олганлар Ўзбекистонда сайёҳлик фа-

Айни пайтда мамлакатимизда 530 дан ортиқ тuroператор ва агентлик, 430 меҳмонхона фаолият юритмоқда. Пойтахтимиз ва вилоятларда «Radisson», «Lotte», «Wyndham», «Hyatt», «Ramada» каби дунёга машҳур отеллар билан бирга кичик гуруҳларда ва оилавий саёҳат қилувчилар учун хусусий меҳмонхоналар хизмат кўрсатмоқда.

– Сайёҳлик йўналишида юрти-мизда Миср Араб Республикаси билан ҳамкорлик қилувчи 20 га яқин туристик фирмалар фаолият юритади, – дейди Ўзбекистоннинг Миср Араб Республикасидаги элчихонаси консуллик бўлими ходими Мирмақсуд Мирабзалов. – Улар кўмағида ойига 60 нафардан 100 нафаргача сайёҳ Мисрга ва бундан 2 баравар кўп миқдорда Мисрдан Ўзбекистонга туристлар алмашилади. Миср тарихий қадам-жоларга бой ҳудуд, у ердаги вилоятларнинг 50 фоизи туристлар

дам олиш масканлари, авиаташув, транспорт ва сугурта компаниялари, он-лайн брон қилиш тизимлари каби бўлимлар намунали иш олиб борди.

Ўзбекистон миллий павильонида мамлакатимизнинг барча ҳудудидан сайёҳлик фирма ва компаниялари иштирок этди, вилоятларнинг сайёҳлик салоҳияти кенг намойиш этилди. Махсус экспозицияларда дастурхонга тортилган ўзбек миллий таомлари ва турли мева-сабзавотлари, миллий либослар намойиши, мусиқий меросимиз, ҳудудларнинг фольклор санъати оид тақдимотлар тадбир қатнашчилари, айниқса, хорижлик меҳмонларга манзур бўлди.

– Ургут «Бешқарсақ» фольклор ансамблининг ташкил топганлиги бу йил 60 йил тўлди, – дейди ансамбл бадий раҳбари Олим Дўстов (Самарқанд вилояти). – Утган давр мобайнида ансамбл миллий урф-одатларимиз, анъа-



олиятини кучайтириш, соҳани модернизация қилиш ва янада ривожлантириш, миллий туризм маҳсулотларини кўпайтириш ва уларни жаҳон бозорларида тарғиб қилиш юзасидан кенг кўламли ислохотлар олиб борилаётганини, бундай тадбирлар эса, мазкур мақсадларимизга хизмат қила-жагини таъкидлади.

Айтиш жоиз, ҳар йили мамлакатимизга дунёнинг турли минтақаларидан 2 миллиондан ортиқ сайёҳ ташриф буюради. Улар учун Ўзбекистоннинг тарихий қадамжолари – Самарқанд, Бухоро, Тошкент, Хива, Шаҳрисабз каби шаҳарлари қизиқарли. Шу боис ҳукуратимиз раҳбарияти республикамизнинг бошқа сайёҳлик имкониятларини юзага чиқариш, тарғиб этиш бўйича тизим олди-га қатор вазифалар қўйди. Бугунги кунда соҳанинг экотуризм, геотуризм, тарихий ва маданий туризм, тиббий, этник, спорт йўналишлари, альпинизм каби кўплаб турлари изчил ривожлантирилмоқда. Барча ҳудудларда янги сайёҳлик йўналишлари ишлаб чиқилмоқда, транспорт коммуникациялари ва хизмат кўрсатиш изчил яхшиланмоқда.

зиёратгоҳига айланган. «Дам олиш дунёси» халқаро кўргазмасида ҳар йили иштирок этамиз. Тадбир Ўзбекистонда баҳор-ёз сайёҳлик мавсумини очиб берадиган ўзига хос лойиҳа бўлибгина қолмай, маҳаллий аҳоли учун дунё сайёҳлик қирраларини очишга кўмаклашувчи муҳим тадбир ҳамдир. Хусусан, ҳар йили мана шундай тақдимотли учрашувлардан сўнг Ўзбекистондан Мисрга борадиган сайёҳлар сонини ортади.

Ҳақиқатан ҳам, ушбу кўргазма хорижликларни мамлакатимиздаги дам олиш масканларига кенг жалб қилиш, ички туризмни ривожлантириш, юртдошларимизнинг чет элларга саёҳатини уюштиришда муҳим ўрин тутиш билан бирга маҳаллий ва хорижий тuroператорларга янги мавсум олдида ўз хизмат ва имкониятларини намойиш этиш, корпоратив мижозлар билан шартномалар тузиш, таътил мавсумига оид режалар ишлаб чиқишга қулай шароит туғдиради.

«Дам олиш дунёси»да ички ва халқаро туризм, илмий ва соғломлаштириш туризми, сайёҳлик маъмуриятлари ва миллий офислар, туризм агентликлари ва тuroператорлар, меҳмонхоналар, санаторий-курорт мажмуалари,

наларимизни тарғиб қилиб, ёшларнинг Ватанга бўлган муҳаббатини юксалтиришда ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда. Гуруҳ дастурида Ватанин мадҳ этувчи қўшиқлардан тортиб, турли фасл, хунар, табиат ва ўсимликлар дунёси билан боғлиқ ашулалар ўрин олган.

Халқаро сайёҳлик форумида мамлакатимизга сайёҳларни янада кенг жалб қилиш борасида чет эллик мутахассислар билан ўзаро фикр алмашилди, ҳамкорликда қатор лойиҳаларни амалга ошириш масалалари муҳокама қилиниб, бу борада хорижий сайёҳлик компаниялари, вазирлик ва идоралар билан қатор битимлар имзоланди.

– Мазкур кўргазмада ташриф буюрувчиларга туризм йўналишида ўз молиявий хизматларимизни тақдим этаямиз, – дейди Чет эл капитали иштирокидаги «Hamkorbank» АТБ ходими Нодирбек Расулов. – Стендимиздаги тарқатма материаллар айни пайтда банкимизда амалда бўлган кредит хизматлари, жумладан, истеъмолад кредити ҳамда омонатлар бўлиб, булар дунёнинг исталган давлатига саёҳат уюштиришга моддий мадад бўлиши кенг тушунтирилмоқда.

Гулишан ЮСУПОВА.

Тадбиркорлар билан очик мулоқот

Жиззах вилоятининг Шароф Рашидов туманида тадбиркорлар ва фермерлар иштирокида очик мулоқот ўтказилди. Тадбирда маҳаллий ҳокимлик раҳбарлари, «Қишлоқ қурилиш банк», «Hamkorbank» акциядорлик тижорат банклари ва Ўзбекистон Либерал-демократик партияси вакиллари иштирок этди.



Тадбирда Шароф Рашидов туманида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган ишлар, кўрилаётган чора-тадбирлар, тадбиркорлар ва фермерларга халал бераётган муаммоларни бартараф этиш, тумани иқтисодий-ижтимоий ривожлантиришда тадбиркорларнинг имкониятларидан кенг фойдаланиш масалалари тўғрисида фикр алмашилди.

Шароф Рашидов тумани ҳокими С.Исмоилов, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Э.Холбўтаев, «Қишлоқ қурилиш банк» АТБ бошқаруви раиси ўринбосари Ғ.Абдурахмонов ва бошқалар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 5 октябрдаги «Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони билан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг жадал ривожланишини таъминлаш, хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва унинг дахлсизлиги кафолатларини ҳуқуқий механизмлارни янада мустаҳкамлаш, тадбиркорликни ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш, мамлакатимизда инвестиция ва ишбилармонлик муҳитини яхшилашга қаратилган муҳим чора-тадбирлар белгиланганини ва қўшимча кенг қулайликлар яратилганини таъкидлади.

Тадбирда Шароф Рашидов туманида тадбиркорликни ва фермерликни ривожлантириш борасида фойдаланилмаётган имкониятлар мавжудлиги, маҳаллий ҳокимият органлари фаолиятида сансалорлик, ортиқча бюрократияга берилиш ҳолатларига йўл қўймаслик лозимлиги қайд қилиниб, тадбиркорлар ва фермерлар иштирокида янги бизнес лойиҳаларини амалга ошириш бўйича таклифлар билдирилди.

«Қишлоқ қурилиш банк» ва «Hamkorbank» вакиллари кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун ажратилаётган кредитлар, уларни ажратиш тартиблари ҳақида ахборот берди ва мазкур тижорат банклари томонидан Шароф Рашидов туманида тадбиркорлик лойиҳаларини амалга ошириш учун имтиёзли кредитлар ажратиш режалаштирилганлиги маълум қилинди.

Очик мулоқотда туманда тадбиркорликни янада ривожлантириш бўйича қатор таклифлар ўртага ташланди. Бир гуруҳ тадбиркорлар ва фермерлар тижорат банклари молиявий кўмағида янги бизнес лойиҳаларини амалга ошириш ташаббусларини билдирди.

Жасур МИРЗАЕВ.

«Тошкент» РФБ биржа савдолари шарҳи 2017 йил март ойида

2017 йил март ойида «Тошкент» республика фонд биржасида 23 та савдо сессияси ўтказилди.

Ҳисобот ойда 26 эмитентга тегишли 115,6 млн. дона қимматли қоғозлар буйича 172 та олди-сотди битими тузилди.

Жорий йилнинг март ойида қимматли қоғозлар биржа битимлари ҳажми 4,7 млрд. сўмга етди.

Ҳисобот даврида қимматли қоғозлар битимлари қуйидаги йўналишда тузилди:

Ягона дастурий-техник мажмуа акциялари бозорида қуйидаги тармоқларда:

Асосий йўналиш («Main Board») – 4,7 млрд. сўмлик 147 та битим;

Жисмоний шахслар учун клирингсиз битимлар буйича («NC Board») – 0,01 млрд. сўмлик 25 та битим;

Битимлар ҳажми буйича энг юқори натижа 1 мартда асосий йўналиш («Main Board») тармоғида кузатилади. Хусусан, шу кун «ASIA ALLIANCE BANK» АТБнинг 4,2 млн. дона қимматли қоғозлари 1,08 млрд. сўмга сотилган.

Март ойида биржа битимларининг ўрта ҳажми 27,3 млн. сўмни ташкил этди.

Бир кунда тузилган битимлар ўртача ҳажми 204,1млн. сўмга тўғри келди.

Сотилган бир дона қимматли


Алоҳида тармоқлар кесимида қимматли қоғозлар нарҳининг улар номиналига нисбати, 2017 йил март ойида

| | |
|----------------------|------|
| Агросоаноат мажмуаси | 1,00 |
| Банк соҳаси | 1,01 |
| Саноат | 1,11 |
| Ижтимоий соҳа | 1,00 |
| Қурилиш | 0,99 |
| Транспорт | 4,59 |
| Бошқалар | 2,22 |

қоғознинг ўртача нарҳи 40,6 сўмга тенг бўлди.

Қимматли қоғозларга нисбатан талабнинг мавжудлигини англатувчи кўрсаткичлардан бири қимматли қоғозларнинг сотувдаги нарҳи уларнинг номинал қийматига нисбатан коэффициентини, яъни ликвидлилик кўрсаткичига боғлиқ бўлади.

Қимматли қоғозлар биржа айланмасининг тармоқлар буйича таркиби, 2017 йил март ойида



- Банklar 93,2%
- Саноат 0,5%
- Бошқалар 5,2%
- Қурилиш 0,001%
- Ижтимоий соҳа 0,001%
- Транспорт 1,0%
- Агросоаноат мажмуаси 0,02%

Ҳисобот ойда қимматли қоғозлар битимлари умумий сонининг қарийб 40 фоизи номинал қийматига нисбатан қиммат нарҳда тузилди. Энг юқори даражадаги ликвидлилик кўрсаткичи транспорт соҳаси (4,59 пункт)да кузатилади.

Умуман олганда, ҳар бир тармоқ кесимида ўрта ҳисобда қимматли қоғозларнинг сотувдаги нарҳи унинг номинал қийматига нисбатан коэффициентини март ойида 1,04 пунктни ташкил этди.

1-жадвал.

Биржа савдоларида иштирок этган брокерлик идораларининг рейтингини, 2017 йилнинг март ойида

| Брокерлик идоралари | Битимлар сони, дона | Битимлар умумий ҳажми, млн. сўмда | Солиштирма нисбати |
|--|---------------------|-----------------------------------|--------------------|
| «Kapital-Depozit» МЧЖ (БИ №443) | 14 | 5 243,9 | 55,9 фоиз |
| «DEPO-INVEST-TRAST» МЧЖ (БИ №459) | 2 | 2 172,8 | 23,1 фоиз |
| «Alp omad invest» МЧЖ (БИ №416) | 6 | 1 000,0 | 10,7 фоиз |
| «Наймон Инвест Консалтинг» МЧЖ (БИ №472) | 20 | 252,9 | 2,7 фоиз |
| «Birinci Banklararo Depozitariy» МЧЖ (БИ №450) | 22 | 221,2 | 2,4 фоиз |
| «Ishonch LTD» МЧЖ (БИ №444) | 78 | 179,1 | 1,9 фоиз |
| «Portfolio Investments» МЧЖ (БИ №454) | 54 | 158,8 | 1,7 фоиз |
| «HAMKOR DEPO INVEST» МЧЖ (БИ №442) | 86 | 87,5 | 0,9 фоиз |
| ЧЭКИ «Hamkorbank» АТБ (БИ №434) | 18 | 22,1 | 0,2 фоиз |
| «ТашИнвестКом» МЧЖ (БИ №439) | 6 | 15,6 | 0,2 фоиз |

2-жадвал.

Энг йирик савдолар ҳажми буйича эмитентлар ТОП 10 лиги, 2017 йил март ойида

| Эмитент номи | Тармоқ | Ҳажми, млрд. сўмда |
|---------------------------------|--|--------------------|
| «Turkiston» ХАТБ | Банк | 2,6 |
| «Asia Alliance Bank» АТБ | Банк | 1,1 |
| «Ипотека-банк» АТИБ | Банк | 0,6 |
| «Olchazor aziya» | Ташкилотлар тузилмаси таркибига кирмайдиган субъектлар | 0,1 |
| «Marg'lon Fayz savdo kompleksi» | Ташкилотлар томонидан таъсис этилган юридик шахслар | 0,09 |
| ЧЭКИ «Hamkorbank» АТБ | Банк | 0,06 |
| «Granit» | Ўзбекистон темир йўллари | 0,05 |
| «SHIFOBAXSH BULOQ» | Ташкилотлар тузилмаси таркибига кирмайдиган субъектлар | 0,02 |
| «Olmaliq KMK» | АЖ | 0,01 |
| «O'ZBEKGEOFIZIKA» | Ўзгеобургунефтваз | 0,01 |

Ахборот ва статистика бўлими томонидан «Тошкент» РФБ (www.uzse.uz) материаллари асосида тайёрланди.

Давлат захираси кенгайтирилмоқда

Миллий матбуот марказида «Ўзбекизоқовқатзахира» уюшмасининг ўтган бир йиллик фаолияти натижалари, талдаги вазифалар ва истиқболдаги лойиҳаларга бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Қарийб бир йилдан буён ўз фаолиятини йўлга қўйган «Ўзбекизоқовқатзахира» уюшмаси таркибида айти пайтда 56 та савдо-тайёрлов корхоналари мавжуд. Анжуманда таъкидланганидек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 29 декабрдаги «2016-2020 йиллар даврида қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш ва ривожлантириш буйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-2460-сонли Қарорига асосан жорий йилда «Ўзбекизоқовқатзахира» уюшмаси таркибидаги 9 та корхона томонидан 4 минг тонна сигимидаги совутгичларни қуриш, мавжудларини реконструкция ва модернизация қилиш ҳисобига фаолиятни янада такомиллаштириш белгиланган. Лойиҳа ташаббускорлар мазкур совутгичларни ишга туширишда жами 5 120 млн. сўмлик, шундан 2 830 млн. сўми банк кредитлари ҳамда 2 290 млн. сўми уюшма корхоналарининг ўз маблағлари ҳисобидан молиялаштириши кўзда тутилган.

2017 йилга мўлжалланган комплекс чора-тадбирлар дастурига мувофиқ, «Ўзбекизоқовқатзахира» уюшмаси таркибидаги корхоналар томонидан мева-сабзавот маҳсулотларини қуриштириш, қайта ишлаш, ва саралаш логистик марказларини, шунингдек, нон, қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи цехлар ва савдо дўконларини қуриб ишга тушириш, 600 гектардан зиёд ер майдонларида қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш режалаштирилган. Ушбу тадбирларни амалга ошириш учун Халқаро тикланиш ва тараққиёт банкнинг 7 млн. АҚШ долларлик имтиёзли кредитлари йўнаштирилмоқда.

– Утган йилнинг ноябрь ойидан буён мамлакатимизда картошка маҳсулотининг бироз тақчиллиги кузатилган бўлиб, ҳукуматимиз томонидан қўрилган чора-тадбирлар натижасида бу тақчиллик тезда бартараф этилди, – дейди «Ўзбекизоқовқатзахира» уюшмаси раисининг ўринбосари Нодирбек Раҳбаров. – 2017 йил 31 март ҳолатига уюшма таркибидаги корхоналар томонидан Қозғистон, Россия ҳамда Беларусь давлатларидан жами 4932,7 минг АҚШ долларлик 14 851 тонна картошка олиб келинди. Масалан, айти пайтда Тошкент шаҳрининг 60 га яқин нуқталарида картошканин 1800 сўмдан сотилиши йўлга қўйилган бўлса, вилоятларимизда 2000 сўмдан сотилмоқда. Бу тадбирлар янги картошка бозорларимизга чиққунга қадар, яъни май ойигача давом этади.


Анжуманда Андижон, Фарғона ва Тошкент вилоятларида ташкил этилаётган логистика марказларининг лойиҳалари слайд кўринишида тақдим этилди. Мутахассисларнинг таъкидлашича, бозор талабидан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқариш корхоналарига «ISO 22000» ва органик сертификатлаш тизимларини жорий этиш юзасидан бир қатор самарали ишлар амалга оширилмоқда. Шунингдек, уюшма томонидан юқоридаги стандартлар буйича салоҳиятли кадрларни тайёрлаш мақсадида махсус курслар ўтказилиб, мутахассислар хорижий мамлакатларга тажриба алмашиш учун юборилмоқда.

Иброҳим УСМОНОВ.

Биржада тармоқларнинг инвестицион жозибadorлик буйича таҳлили шуни кўрсатдики, март ойида тижорат банкларининг қимматли қоғозларига талаб ўсган: 93,2 фоиз.

Инвесторларнинг категориялариға кўра қуйидагиларда фаоллик қайд этилди:

Инвесторлар кесимида биржа айланмасининг таркиби, 2017 йил март ойида



- Суғурта компаниялари 12,9%
- Жисмоний шахслар 46,5%
- Бошқа юридик шахслар 40,5%

Жами тузилган битимлар умумий ҳажми буйича юридик шахсларга тузилган битимларнинг 53,5 фоизи тегишли бўлди.

Тузилган битимлар умумий сони буйича эса жисмоний шахсларға биржа битимлари умумий сонининг 90,1 фоизи тегишли бўлди.

Битимлар ҳажми (битимлар қиймати/битимлар сони) ўртача кўрсаткичи март ойида қуйидагича бўлди:

Юридик шахслар билан – 147,6 млн. сўм;
Жисмоний шахслар билан – 14,1 млн. сўм.

Умуман март ойида биржа бозори таркибида қимматли қоғозлар савдоларида иштирок этган инвесторлар тури буйича ҳолат қуйидагича бўлди:

Ҳисобот ойда фонд биржасида тузилган битимларда брокерлик идораларининг фаоллиги 1-жадвалда тақдим этилган.

Биржа савдоларида жами 18 та брокерлик идораси иштирок этди.

Умумий биржа айланмасида энг фаол ўнта брокерлик идораларининг соф ҳажми 2-жадвалда тақдим этилган.

Умумий биржа айланмасида энг фаол ўнта брокерлик идораларининг соф ҳажми 99,6 фоизга, сони буйича эса 88,9 фоизга етди.

Март ойидаги биржа савдоларида иштирок этган идоралар орасида етакчи ўринларни қуйидагилар эгаллади:

Қимматли қоғозлар битимлари ҳажми буйича:

- «Kapital-Depozit» МЧЖ (БИ №443);
- «DEPO-INVEST-TRAST» МЧЖ (БИ №459);

- «Alp omad invest» МЧЖ (БИ №416);

Қимматли қоғозлар битимлари сони буйича:

- «HAMKOR DEPO INVEST» МЧЖ (БИ №442) – 86 та битим;
- «Ishonch LTD» МЧЖ (БИ №444) – 78 та битим;
- «Portfolio Investments» МЧЖ (БИ №454) – 54 та битим.



Хитой ЯИМда ўсиш

2017 йил I чорак якунига кўра, мамлакатнинг ЯИМ кўрсаткичи 6,9 фоиз ўсган. Бу эса ХХР давлат статистик бюроси мутахассис ва ходимларининг расмий башоратига нисбатан юқори натижадир.



«Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, Хитой ЯИМнинг 2017 йил биринчи чоракдаги кўрсаткичи ўсиши 6,9 фоизга етган», – дея қайд этилди баённомада.

«Reuters» агентлиги томонидан таҳлилчилар ўртасида ўтказилган сўровга кўра, 2017 йил I чоракда мамлакат ЯИМ ўсиши даражаси 6,8 фоизни ташкил қилиши башорат қилинган эди.

Мамлакат ҳукумати жорий йилда ЯИМ даражаси энг камида 6,5 фоиз ўсишига оид талабни белгиллаган.

2016 йилда Хитой ЯИМ ўсиш суръати 2015 йилга нисбатан пасайган эди. Яъни 2015 йилда бу кўрсаткич 6,9 фоизни ташкил этган бўлса, 2016 йилга келиб 6,7 фоизга етди. Бу эса сўнгги 26 йил орасидаги энг ёмон кўрсаткич ҳисобланади. Бироқ айнан шу йил аввалида эълон қилинган расмий башорат билан ўхшаш бўлди.

«Brexit» туфайли истеъмол кредитлари суръати пасайди

Англия банкнинг кредит бозоридаги ҳолатга доир ҳисоботи эълон қилинди. Мазкур ҳисоботдан маълум бўлишича, Буюк Британиядаги аксарият банклар яқин уч ой давомида истеъмол кредитлари берилиши суръатини туширишни режалаштирмоқда.

2008 йилдаги молиявий инқироздан кейин илк марта шу каби чора қўлланилишининг асосий сабаби «Brexit»нинг ташкил этилиши билан боғланмоқда.

Жорий йилнинг 20 февралдан 10 мартга қадар ўтказилган тадқиқот натижаларига кўра, I чоракда банклар таъминланмаган кредитлар ажратилишига оид режаларини қайта кўриб чиққан. Натижада мамлакат банк тизимида қарзга эга бўлиш даражаси 6,6 фоизга пасайди. Англия банкнинг тахминига кўра, келгуси уч ой мобайнида мазкур кўрсаткич 18,8 фоизга камайиб кетади.

Банкларнинг хавотирига сабаб бўлаётган асосий омил – бу 2017 йилда «Brexit» туфайли британияликларнинг харид қobiliяти ва истеъмол даражаси пасайган ҳамда фунтнинг «нимжон»лашишига боғлиқ.

Шунингдек, банклар мавҳумлик шароитида компаниялар бизнесга йўналтирадиган сармоясини қисқартиришидан хавотирда. Бу эса банкларнинг корпоратив тармоқни кредитлаш фаолиятига салбий таъсир кўрсатувчи ҳолатдир.

Умуман олганда, Англия банки ҳозирча мамлакатнинг иқтисодий шароити ёмонлашишини башорат қилмаяпти. Банкнинг пул сиёсати



бўйича кўмитаси томонидан февраль ойда ўтказилган йиғилишда ЯИМ ўсиш даражаси бўйича тайёрланган башорат яқин томонга ўзгартирилди. Яъни аввалроқ 2017 йилда ЯИМ ўсиш даражаси 1,4 фоиз бўлиши тахмин қилинган бўлса, сўнгги мажлисда кўрсаткич 2 фоизни ташкил қилди. 2018 йилда бу кўрсаткич 1,6 ва 2019 йилда 1,7 фоизга етиши тахмин қилинди.

Буюк Британия ҳукумати қошида ташкил этилган Бюджет масъулияти бўйича бюроси (ORB) эса март ойда унданда яқин натижаларни башорат қилган. Яъни 2018 йилда мамлакат ЯИМ ўсиш суръати 1,4 фоиз ўрнига 2 фоизга етиши қайд этилди.

Жаҳон банки огоҳлантиради

Жаҳон банки Жанубий-Шарқий Осиё ва ОТҲ бозорлари бўйича тайёрлаган жорий башоратни ўзгартиришсиз қолдирди. Бироқ таъкидланишича, жаҳон иқтисодиётида учраши мумкин бўлган ҳар қандай кескин суллашиш ва молиявий имкониятларнинг катъийлашиши ҳудуддаги мамлакатлар иқтисодиётига салбий таъсир кўрсатиши мумкин.



ЖБ 2017 йилда ҳудуд иқтисодиёти ўтган йилдаги 6,4 фоиз ўрнига 6,2 фоизга ўсишини маълум қилган. 2018 йилда эса бу кўрсаткич 6,1 фоизга етиши тахмин қилинмоқда.

«Ҳудуддаги ўсиш аввало кучли ички талабнинг ортиши, шунингдек, оммабоп ва хусусий инвестиция киритилиши билан боғлиқ бўлади», дея қайд этилган ЖБ веб-сайтида. Хитой иқтисодиёти ўсишига оид башорат ўзгартиришсиз қолди. Яъни жорий йилда бу кўрсаткич 6,5, келаси йилда 6,3 фоизга етиши тахмин қилинди. «Хитой ҳукумати корпоратив қарзни қисқартириш, давлат корхоналарининг қайта ташкил этилиши, банк тизимидаги ёпиқ муносабатларни кескинлаштириш ва ипотекавий қарздорликнинг кескин ортиб бораётганини назорат қилиш билан боғлиқ ҳаракатларни қўллаб-қувватлаши керак», – дейилади ЖБ баённомасида.

Банкдагиларнинг фикрича, ҳудуддаги мамлакатлар ўз давлатларининг пул-кредит сиёсатини қайта кўриб чиқиши мақсадга мувофиқ. Сабаби истеъмол нархларига бўлган босим даражаси кучайиб бораётган айна дамларда ишлаб чиқарувчиларнинг нархига бўлган талабнинг ортиши ва хомашё нархининг қайта тикланишига эришиш мумкин.

«Жаҳон иқтисодиётидаги сезиларли суллашув, яъни глобал протекционистик босимдан тортиб глобал жараёндаги қутилмаган муаммолар ҳудуднинг аксарият қисмига салбий таъсир кўрсатиши мумкин», – дея ёзилади ЖБ веб-саҳифасида.

Америка молиявий инқироздан холи

«Америка иқтисодиёти бутунлай инқироздан чиқа олди», дейди АҚШ Федерал захира тизими раҳбари Жанет Йеллен. Унинг фикрича, ҳукумат ишсизлик, инфляция ва истеъмолнинг ортиши билан боғлиқ муаммоларни бартараф этишдек мақсадини амалга ошира олди.


Шу боис, ФЗТ ставкаси ошириш соҳасидаги барқарорлаштириш сиёсатини юритишда давом этади.

Йелленнинг таъкидлашича, инфляция 2 фоизлик даражага етди (аниқроғи 2,1 фоизга тенг бўлди), ишсизлик даражаси эса 5 фоиздан камроқни (4,5 фоиз) ташкил этмоқда.

«Яъни биз АҚШ конгресси томонидан илгари сурилган вазифаларни тўла амалга ошира олишга муваффақ бўлдик... АҚШ иқтисодиёти ўзини яқши ҳис қилмоқда», – деди у.

«Бироқ барқарор вазиятда эканлигимизга ишонч ҳосил қилмоғимиз лозим. Босимни кучайтириб, кескинлаштириш сиёсатини жадаллаштиришнинг кераги йўқ. Аммо айна пайтда узоқ мuddат кута олмаимиз ҳам. Агар иқтисодиёт шуни тақозо қилса, мазкур жараённи тезлаштиришга мажбур бўлиши истамаган бўлардик», – дея қўшимча қилди ФЗТ раҳбари.

Март ойда ФЗТнинг очиқ бозорлар бўйича кўмитаси йиллик базавий фоиз ставкасини 0,5-0,75 фоиздан 0,75-1 фоизга ошириб қўйди. Мувофиқлаш-



тирувчи ташкилотнинг раҳбарияти 2017 йилда ставка миқдори икки баробар кўтарилишини кутмоқда.

Маълумот тариқасида айтиш лозим, Федерал захира тизими Марказий банкнинг функционал вазифасини бажараётган бўлиб, ФЗТ ставкаси – бу Америка Марказий банки томонидан банкларга ўз захираларини тегишли даражада сақлаб қолишига имкон берувчи кредитларнинг ажратилишига оид фоиз кўрсаткичи ҳисобланади.

«Очиқлик индекси» рейтингини натижалари

Тошкентда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг «очиқлик индекси» бўйича дастлабки рейтингини натижалари эълон қилинди. Жорий йил 1 январьгача бўлган даврнинг ўзида ифодалаган мазкур кўрсаткичлар билан www.ochiqlik.uz веб-ресурсида танишиш мумкин.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш, жисмоний ва юридик шахсларга уларнинг қонуний ҳуқуқ ва эркинликларига дахлдор ахборотларнинг тақдим этишининг замонавий шакллари жорий этиш давлат бошқаруви тизимидаги ислохотларнинг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланган.

декси» бўйича 2017 йил 1 январь ҳолатига кўра рейтингни тақдимоти ўтказилди.

Дастлабки рейтингни тузишда давлат идораларида очиқликни таъминлашга қаратилган институционал ҳамда норматив-ҳуқуқий базанинг мавжудлигига алоҳида эътибор қаратилган. 47 давлат ҳокимияти ва бошқаруви органини қамраб олган рейтинг натижаларига кўра, Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси 97,5 балл тўплаган ҳолда биринчи, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳамда Ўзбекистон



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 6 ноябрдаги «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қондаларини амалга оширишга йўналтирилган комплекс чора-тадбирлар кўриш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш фаолиятини мувофиқлаштириш ва мониторингини олиб бериш бўйича жамоатчилик кенгаши шакллантирилди.

Кенгаш томонидан ишлаб чиқилган тегишли методика ҳамда регламент асосида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги мониторингини бўйича ишлар бошланди.

Жорий йилнинг 14 апрель куни пойтахтимизда Жамоатчилик кенгаши томонидан ўтказилган тадбирда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг «очиқлик ин-

Республикаси Марказий банки бир хил кўрсаткич (96,33) билан иккинчи, Адлия вазирлиги (93,67) учинчи ўринни банд этган. Рўйхатнинг қуйи погоналарини банд этган Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, Сурхондарё, Фарғона, Андижон ҳамда Навоий вилоятлари ҳокимликларида бу борада амалга оширилиши зарур бўлган ишлар кўплигини кўрсатди.

Рейтинг кўрсаткичлари бир қатор давлат органларида очиқликка етарли даражада эътибор қаратилмаётгани, баъзан фуқароларнинг қонуний талабларини инкор қилган ҳолда уларнинг ахборотга бўлган ҳуқуқларини поймол қилиш ҳолатлари ҳам учраётганини кўрсатмоқда.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлигини мониторинг қилиш ва баҳолаш ишлари мунтазам амалга оширилади. Натижалар ҳар йили икки мартаба (1 январь ва 1 июль ҳолатига) эълон қилиб борилади.

ЎЗА материали асосида.

Хобби нимадан дарак беради?

Истиқболдаги ходимнинг қизиқишлари нечоғлик муҳим? Қайси қизиқиши ходимнинг ижодкорлик қобилиятини, яна қай бири ижро этишга мойиллиги кучли эканини намоён этади?



Психологлар фикрича, хоббининг мавжудлиги шахснинг ҳар томонлама ривожланганлигини кўрсатиб туради. Иш бериш айнаинг шундай ходимларга, яъни ўз бизнесининг омад келтириши учун чин кўнгилдан қайгурадиган инсонга қизиқиш билдириши турган гап. Бугунги кунда ўз ишини мажбурийат юзасидан эмас, балки кўтаринки кайфият билан адо этадиган ходимлар қадрланмоқда. Одатда, улар юқори натижани кўлга киритиб, доимо ўз устида ишлашга интилишади.

Хобби мавжудлигининг афзал томони шундаки, уларнинг соҳиблари ички мувозанатни тезда тиклай олади ва «ҳиссий толиқиш» синдромидан воз кеча олади. Хоббиси бор ишчилар сабр-бардошли бўлади ва ўз ҳамкасблари ҳамда раҳбарият билан биргаликда ҳар қандай зиддиятни енгиллик билан бартараф этишга эришади. Бунинг боиси севимли машғулоти билан банд инсонлар ўз ишидан қониқиш ҳиссини туяди ва ўзларини бахтли инсон, деб ҳисоблайди.

Кўнгилга қулоқ солинган тақдирда энг самарали натижага эришилади. Одатда ходимлар жамоа аъзоларининг одатларини, бошқача айтганда ижтимоий мақбул қизиқишларини қўллаб-қувватлашига тўғри келади. Масалан, муайян турдаги спорт билан шуғулланиш кишига ҳузур бағишламас, барчаси фойдасиз амалларга айланади.

Хоббини «тўғри» ёки «нотўғри», «элитар» ёки «одатий»га ажратиб бўлмайди. Ҳар қандай қизиқиш ҳам ўзига яраша фойда келтиради. Муҳими, у кишига ўзини намоён қилиш, ўз индивидуал фазилатларини намойиш қилишга имкон бериши лозим. Шу боис танга, соат тўплаш, ёзувчилик, боғдорчилик билан шуғулланиш, хорижий тилларни ўрганишга қизиқиш билдирганларга бўлган ҳурмат шахмат, мумтоз мусиқа ва экстремал турдаги спорт билан шуғулланувчиларникидан кам бўлмаслиги керак.

Айни пайтда хоббининг мавжудлиги ходимнинг бошқаларга нисбатан устун эканлигини билдирмайди. Яъни хобби ходимнинг мансаб пиллапоясидан кўтарилиши ёки маоши бошқаларга нисбатан кўпроқ бўлиши керак-

Инсоннинг қайси соҳага қизиқиши унинг феъл-атвори ва темпераменти билан белгиланади. Шахснинг қайси жиҳатлари хоббининг мавжудлигидан дарак беради?

КОЛЛЕКЦИЯ ҚИЛИШ (ТЎПЛАШ). Қўшимча равишда шахсий ҳудуди бўлишига бўлган эҳтиёжи мавжуд, тартибни яхши кўрувчи, бирор нарсага берилувчанликка мойиллиги кучли инсон.

СПОРТ. Ўз олдига қўйган мақсадига эришиш иштиёқи кучли бўлади, тартиб-интизомга амал қилади, сабр-бардошли, киришимли инсон.

САНЪАТ (муסיқадан тортиб фотосанъат ва паэандаликкача). Гурурли, қизиқувчан, янги нарса ва тажрибалар учун доимо кўнгли очиқ инсон.

ЎСИМЛИКЛАРНИ ПАРВАРИШЛАШ (флегматик ва меланхолик тоифадаги инсонларга хос қизиқиш). Сабр-тоқатли, мурасасоз, доимо ўзи билан ўзи қолишни истайдиган инсон.

САЁҲАТ. Фаол ҳаётини нуқтаи назар, ёрқин ҳис-ҳаяжонларга эҳтиёжи банд, тез қарор қабул қиладиган ва мураккаб ҳолатларни тезда бартараф этадиган инсон.

Ва ниҳоят, турли гуруҳлардаги хоббиларнинг мавжудлиги кишининг ички дунёси бойлигини кўрсатувчи белги ҳисобланади.

лигини англамайди. Истиқболдаги ходимнинг қизиқишлари ҳақида қўшимча маълумотга эга бўлиш раҳбариятга ушбу ходимнинг айнан қайси соҳа ёки йўналишда наф келтира олиши, ўз салоҳиятини тўла намойиш этиши ни аниқлашга ёрдам беради. Бу билан бир томондан корхона ёки ташкилот самарали фаолият юритувчи ходимнинг хизматидан фойдаланса, иккинчи томондан ходим севимли машғулоти билан шуғулланиш имкониятига эга бўлади.

Айни пайтда психологлар хобби билан тўғридан-тўғри боғлиқлик бўлиши керак эмас, деган фикрни илгари сурмоқда. Ҳаммаси муайян ташкилотнинг доимий эҳтиёжлари ёрдамида белгиланади. Масалан, савдо ишлари бўйича бошқарувчи лавозимига спортга қизиқувчи ҳамда балиқ овиға қизиқувчи инсонлар орасидан бирини танлашга тўғри келса, спортнинг фаол тури ҳаваскори номзодини танламаган маъқул, дея ҳисобланади. Тўғри, унинг афзал жиҳатлари кўп бўлиши мумкин. Масалан, киришимлилик, жамоада ишлаш олиш, зарурат тугилганда ҳамкасбларига ёрдам қилини қўйиш сингари хусусиятлари бўлиши мумкин. Бироқ молиявий хизматлар билан шуғулланувчи банкка оператор ёки бошқарувчи лавозими учун кўпроқ балиқ овиға қизиққан номзод тўғри келиши мумкин. Бироқ ҳар бир ходим ва мижозни қадрловчи ташкилот иш беришчи киришимлилик, ўз йўлини олдиндан белгилаш сингари хусусиятлари учун спорт иштиқозини танласа ҳам адашмаслиги мумкин.

Интернет материали асосида.

БАНК АХБОРОТНОМАСИ

АХБОРОТ-ТАҲЛИЛИЙ ГАЗЕТА

ҲАМКОРЛАРИМИЗ ВА МУАССИС

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки

«Norma Hamkor» МЧЖ

«Moliya yangiliklari agentligi» МЧЖ

БОШ МУҲАРРИР

А.Н. НАЗАРОВ

Нашр учун масъул

А.С. АСРОРОВ

ЧОП ЭТИШГА ТАЙЕРЛОВЧИ

«Moliya yangiliklari agentligi» МЧЖ

ДИРЕКТОР

Р.Л. ВАЛИЕВ

Газета тахририятнинг техник
ускуналарида саҳифаланди.

АХБОРОТ КУМАГИ

ЎЗА, «Туркистон-пресс» НАО

ТАХРИРИЯТ МАЗИЛИ:

100060, Тошкент ш.,

Шаҳрисабз кўчаси, 23-уй.

e-mail: info@banknews.uz,

www.banknews.uz

Реклама ва эълонлар учун

232-45-32 телефони

орқали мурожаат қилинг.

Факс: 232-43-98.

Юридик шахслар учун нашр индекси – 102.
Жисмоний шахслар учун нашр индекси – 377.

Тахририятнинг фақат ёзма розилиги билан «Банк ахборотномаси»да эълон қилинган материалларни қўчириб босишга илоҳат берилмайди. Қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва қайтарилмайди.

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2012 йил 10 январда 0065-тартиб рақами билан рўйхатга олинган.

Газета ҳафтада бир марта пайшанба куни чиқади.

Буюртма № 925.

Адади 7669 нуска.

Нархи шартнома асосида.

Газета АЗ ҳажмда, 3 шартли босма табоқда чоп этилди.

Босишга рухсат этилди: 19.04.2017 й., 9.00.